БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 63 (3801).

30 МАРТ ШАНБА 1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Олий Советини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:** Ўзбекистон ССР Еттинчи чақириқ Олий Советининг учинчи сессияси 1968 йил 14 майда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Икки дам олиш куни бўлган беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан республика аҳолисига маданий-маиший ва савдо хизматини яхшилаш чоралари тўғрисида.

2. Ўзбекистон ССРнинг 1967 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисида.

3. Ўзбекистон ССРнинг «Маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунининг лойиҳаси тўғрисида.

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фарманларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил 29 март. Тошкент шаҳри.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

1968 ЙИЛ 29 МАРТДА КПСС МОСКВА ШАҲАР ТАШКИЛОТИНИНГ XIX КОНФЕРЕНЦИЯСИДА СЎЗЛАНГАН

Қадрли делегат ўртоқлар!

Конференция делегатларига ва сизлар орқали пойтахтнинг барча коммунистлари ва меҳнаткашларига партиямиз Марказий Комитети номидан қизғин салом топширишга ва Москва коммунистларига, Москванинг барча меҳнаткашларига коммунизм улуғ иши учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Москва шаҳар конференцияси партиямизда ҳисобот-сайлов йиғилишларини якунламоқда. Бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот ва сайловлар, район, шаҳар ва область партия комитетларига сайловлар партиямиз, унинг барча ташкилотлари ҳаётида катта воқеа, муҳим давр бўлди. Партиямиз XXIII съезди ва Марказий Комитет Пленумлари қарорларининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этишда, беш йиллик планни муваффақиятли адо этишда партия ва барча коммунистларнинг ролини ошириш тўғрисидаги масала барча йиғилишлар ва конференцияларнинг диққат марказида турди.

Йиғилишлар ва конференцияларда мавжуд резервлардан янада тўлароқ фойдаланишни таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига ва таннархнинг камайишига эришиш масалалари тўғрисида гап бўлди. Бу жуда муҳим, ўртоқлар; чунки бу проблемалар давлатимиз учун, унинг иқтисодий ва мудофаа қудратини ошириш учун, совет халқи турмуш фаровонлигини юксалтириш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Партия комитетларининг коммунистлар олдида ҳисоб бериши, аслини олганда, бутун халқ олдида берилган ҳисоблдир, чунки, йиғилишлар ва конференцияларнинг материаллари матбуотда кенг ёритилди ва радио орқали эшиттирилди. Партиянинг фаолияти тўғрисида партиялилар оммаси ва барча меҳнаткашларни кенг хабардор қилиб туриш партиямиз ҳаётининг принципи бўлиб, биз бу принципга бўйсунмай амал қилаверамиз.

Партия ташкилотларининг йиғилишларида 12 миллиондан ортиқ коммунист иштирок этди. Ҳисобот докладларини муҳокама қилишда 2 миллион 700 минг киши қатнашди. Демак, ўртоқлар, йиғилишларда қатнашган коммунистларнинг тўртдан бир қисми партиямизнинг сиёсати ва ўз ташкилотининг амалий фаолияти тўғрисида фикрини билдирди, мулоҳазаларини айтди ва таклифлар киритди. Мана шунинг ўзи амалдаги чинакам демократиядир. **(Давомли қарсаклар).**

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялар партиямиз сафларининг бузилмас бирлигини, унинг Марказий Комитет ленинчасига монолит мустаҳкам жипслигини намойиш қилди. **(Қарсаклар).** Барча партия ташкилотлари Коммунистик партиямизнинг КПСС XXIII съезди ва партиямиз Марказий Комитета Пленумлари ишлаб чиққан ҳамда Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва Совет ҳукумати ишчиллик билан амалга ошириб келаётган ташқи ва ички сиёсатини яқдиллик билан маъқулладилар ва қўллаб-қувватладилар. **(Қарсаклар).**

Марказий Комитет бу маданий ғоят қадрлайди, буни кўп миллионли коммунистлар армияси ҳаракат бирлигининг мустаҳкам негизи деб, коммунистик қурилишда янгидан-янги ғалабаларнинг гарови деб билади. **(Қарсаклар).**

Йиғилишлар ва конференцияларда киланган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар келгуси ишларимиз учун ғоят қимматлидир.

Биз, албатта, обиватель арзларга киланган танқидни эмас, балки партиявий, принципиал танқидни назарда тутяпмиз. Партиявий танқид, Владимир Ильич Ленин айтиб ўтганидек, дипломатиянга ва майда-чуйда ғаразларга ёт бўлган ўртоқларча, рўй-рост танқид бўлиши керак. Танқиднинг қиммати ишлатилган ибораларнинг кескинлиги билан эмас, балки ҳаққонийлиги, исбот этилганлиги билан, кўтарилган масаланинг аҳамияти, унинг берадиган фойдаси билан белгиланади. Партия барча коммунистларнинг танқид қуролидан ғоят манфаатдордир. **(Қарсаклар).**

Конференция делегатлари танқид қилган органларнинг барча раҳбарлари бу танқидий мулоҳазаларни ғоят зўр эътибор билан қараб чиқадилар ва тегишли хулосалар чиқарадилар, деб ўйлаймиз.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларда партия ички демократиясини ривожлантириш масалалари партиявий интизомни янада мустаҳкамлаш, демократик централизм ленинча принципларига риоя қилиш масалалари билан чамбарчас боғланган ҳолда қараб чиқилди. Партия ҳар бир коммунист учун жавобгар бўлганидек, ҳар бир коммунист ҳам партия учун жавобгар эканлиги тўғрисидаги ленинча таълимот зўр куч билан таъкидлаб ўтилди. Бу ғоят муҳим ишдир. Коммунистик партия масъулдошларнингина эмас, балки шунингдек биргаликда ҳаракат қилувчиларнинг ҳам партиясидир. Мустаҳкам, онгли партиявий интизом, барча партия аъзоларининг юксак активлиги ва жавобгарлик ҳисси мавжуд бўлган шароитдагина ҳаракат бирлиги бўлиши мумкин.

Темирдек мустаҳкам партиявий интизомнинг зарур эканлиги тўғрисидаги ленинча таълимот фақат бевосита революцион ҳаракатлар даври учунгина аҳамиятли бўлиб, шундан кейинги социал-иқтисодий ҳамда демократик қайта қуришлар давомида ўз кескинлигини йўқотади, деб ўйлаган кишилар чуқур хато қиладилар. Партия оммани революция томон бошлаб бораётган вақтда ҳам, партия оммага бошчилик қилиб, социалистик жамият қуриш учун курашаётган даврда ҳам ва коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда ҳам партия учун мустаҳкам онгли интизом керак эканлигини тажриба ҳеч сўзсиз исбот этмоқда. Бу эса, партия кучининг, унинг муваффақиятларининг, ғалабаларининг энг муҳим манбаларидан биридир. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Сизнинг конференцияларингиз яхши ўтгани ва партиявий вазиятда ўтмоқда ва Москва коммунистларининг марксизм-ленинизм жанговар байроғига чексиз садоқатини намойиш қилмоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Ўрток В. В. Гришининг муфассал докладида, делегатларнинг нутқларида пойтахт партия ташкилотининг коммунистик қурилиш вазифаларини амалга ошириш йўлидаги кўп қиррали фаолияти ўз ифодасини топди.

Москва партия ташкилоти ҳамиша партиямизнинг жанговар ва шонли отряди, КПСС Марказий Комитетининг содиқ ва ишончли таянчи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).** Мана, 50 йиллан бери, яъни В. И. Ленин бошчилигидаги Совет ҳукумати ва партия Марказий Комитети Москвага кўчиб келган 1918 йил март ойидан бери сизнинг партия ташкилотингиз пойтахт ташкилотидир. Биз пойтахт ташкилоти мана шу юксак ва фахрли мавқени шараф билан оқлаб келмоқда, деб айта оламиз. **(Давомли қарсаклар).**

Москва партия ташкилоти мамлакатни социалистик индустриалашда, саноатни техника жиҳатдан реконструкция қилишда, халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун кадрлар тайёрлашда ғоят катта роль ўйнади. Москва меҳнаткашлари оммасининг ижодий ғайратиан кўтарилишга катта таъсир килган кўпгина ажойиб ташаббуслар кўрсатдилар. Улар биринчи беш йиллик планларни муддатидан олдин бажариш учун мусобақалашганларнинг биринчи сафларида бордилар. Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида москваликлар фидокорона меҳнат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Москва меҳнаткашлари урушдан кейинги йилларда саноатни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш, маҳсулот сифатини ошириш соҳасидаги катта ишларда бир неча марта ташаббускор бўлиб чиқдилар ва бу соҳада кўпгина муваффақиятларга эришдилар. Москваликлар беш йиллик планни 1970 йил 7 ноябрда муддатидан илгари бажариш, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлидаги социалистик мусобақани ленинградликлар билан биргаликда бошлаб бердилар. **(Қарсаклар).**

Москва саноати мамлакатимизнинг халқ хўжалигида катта ўрин тутади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электродвигателларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи, автомобилларнинг тўртдан бир қисми, жуда кўп миқдордаги металл қирқувчи станоклар, асбоблар, радио ва электр аппаратлари ҳамда маҳсулотнинг бошқа кўпгина турлари Москвада ишлаб чиқарилмоқда.

Москва — фан, адабиёт, санъатнинг ҳамма эътироф қилаётган марказидир. Минг-минглаб энг таниклы олимлар, ёзувчилар, рассомлар, театр ва кино арбоблари шу ерда ишламоқдалар. Москвадаги Фанлар академиясида, санъат ходимларининг ижодий ташкилотларида ва давлат муассасаларида совет фани ва маданиятини янада ривожлантириш йўллари белгиланмоқда.

Пойтахт меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида қилаётган фидокорона меҳнатлари билан мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш ишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Москва ташкилоти пойтахтимизни обод қилиш соҳасида ҳам катта иш олиб бормоқда. Пойтахт кўзимиз ўнгида гўзаллашмоқда, москваликларнинг турмуши тобора яхшиланмоқда. Москвада капиталистик шаҳарларга хос ижтимоий зиддиятлар йўқ, у янги, социалистик типдаги шаҳар тимсолидир. Москвани планлаштириш ва қуришда шаҳардаги барча аҳолининг замонавий қулайликлардан фойдалана олиши назарда тутилмоқда.

Хуллас, москваликларнинг муваффақиятлари озмунча эмас, ўртоқлар. Лекин биз истиқболга назар ташлашимиз, ҳал қилинмаган вазифаларни кўз олдимизга келтиришимиз керак. Шаҳар партия комитетининг ҳисобот докладида ва делегатларнинг нутқларида эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилганлиги, фойдаланилмаган резервлар тўғрисида гапирилганлиги тўғри.

Марказий Комитет ишонадики, Москва шаҳар партия комитети, Москва Совети, бутун Москва ташкилоти конференциялар делегатларининг ва йиғилиш иштирокчиларининг таклифларини ҳисобга оладилар ва бу таклифлардан ишни янада ёхшилаш учун фойдаланадилар. Сизда куч кўп, кадрларингиз яхши, тажрибали, сиз экономика, фан, маданиятни ривожлантиришда, ташкилий ва сиёсий ишларни ҳал қилишда янада юксакроқ натижаларга эришиш учун ҳамма имкониятларга эгасиз. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар!

Партиямизнинг совет халқи ўртасидаги обрў-эътибори ғоят катта ва совет халқи партиямизга ишонади. Бу обрў-эътибор, бу ишонч ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Бу обрў-эътибор ва ишонч жанглар ўтида ва бунёдкорлик фаолияти давомида, муваффақиятлар қозонилган йилларда ва қийинчиликлар даврида, ўз миқёси жиҳатидан жуда катта сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий қайта қуришлар давомида ортдирилгандир.

Совет мамлакати янги тарихий вазифаларни бажараётган ҳозирги пайтда Коммунистик партиянинг роли ва аҳамияти янада ошиб бормоқда. Бу эса, жамиятимиз тараққиётининг объектив эҳтиёжларидан келиб чиқадиган қонуний бир ҳолдир. Коммунистик қурилиш жараёнида коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, кишиларни тарбиялаш, халқлар дўстлигини янада ривожлантириш билан боғлиқ улкан ва мураккаб проблемалар келиб чиқмоқда. Фан ва техника гуркираб ривожланмоқда, ҳаётимизнинг бутун равиши жиддий суратда ўзгармоқда. Социалистик демократия кенгаймоқда. Халқаро ишлар соҳасида ва биринчи навбатда социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон революцион ва миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида бизнинг мамлакатимиз олдида катта ва мураккаб вазифалар турибди.

Илғор назария — марксизм-ленинизм билан қуролланган партиянгина мана шу проблемаларни тўғри ҳал эта олишга, мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида энг асосий, энг муҳим йўналишларни аниқ белгилай олишга қодирдир. Қарашлари ва ҳаракат бирлиги билан жипслашган, сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятида катта тажрибага эга бўлган партиянга коммунизм қурилиши соҳасидаги ҳамма ишларни муайян мақсадни кўзлаб, илмий асослаб ва планли равишда олиб бориш қодирдир. Меҳнаткашларнинг кўп миллионли оммаси билан мустаҳкам жипслашган партиянга халқнинг — ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг кучини хўжалик соҳасидаги, шунингдек сиёсат соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этишга қодирдир. **(Давомли қарсаклар).**

Қурилишимизнинг бутун тажрибаси В. И. Ленининг «Пролетариат диктатурасини фақат Коммунистлар партияси орқалигина амалга ошириш мумкин» (Асарлар, том 32., саҳифа 212) деган сўзлари ҳаққонийлигини тасдиқлади. Тажриба шуни ҳам кўрсатадики, пролетариат диктатураси ишини давом эттирувчи социалистик умумхалқ давлати ҳам фақат ишчилар синфининг етакчилик роли мавжуд бўлган ҳолда Коммунистик партиянинг раҳбарлиги ва йўналтирувчи таъсири остида муваффақиятли ривожлана олади. **(Қарсаклар).** Партия халқ манфаатларини кўзлаб, коммунизм манфаатларини кўзлаб ўз олдига қўйилган вазифаларни ўзининг бутун тарихи давомида бажариб келганидек, улуғ Ленин бизга васият қилганидек оғишмай ва фидокорона бажаради. **(Гулдурос қарсаклар).**

Партия коммунистик қурилиш жараёнида тобора мустаҳкамланмоқда, унинг сафлари кенгаймоқда, партия ташкилотларининг жанговарлик қобилияти ошиб бормоқда. XXIII съездидан кейин ўтган 2 йил мобайнида КПСС сафига 1 миллиондан ортиқ киши қабул қилинди. Партия сафига қабул қилинганлар орасида ишчилар синфи етакчи ўринни эгалламоқда. Ўтган йили партия кандидатлигига қабул қилинганлар орасида ишчилар 52,2 процентни ташкил қилди. Бизда кандидатликка қабул қилинганлар орасида ишчилар кейинги 35 йил мобайнида ҳеч қачон шунча кўп бўлган эмас эди. Партия сафига колхозчи деҳқонларнинг, совет интеллигенциясининг илғор намояндалари ҳам келиб қўшилмоқда. Партия ўз сафларини меҳнаткашларнинг энг яхши намояндалари ҳисобига тўлдираборгач, айни бир вақтда коммунист деган юксак номни оқламаётган кишилардан ўзини холи қилган ҳолда, янада қудратли, янада монолит бўлиб қолмоқда. **(Қарсаклар).**

Ҳозир КПССда 13 миллион 180 минг коммунист бор. Эндиликда партия ташкилоти бўлмаган бирон бир муҳим участка, коллектив йўқ. Шундай қилиб, бизнинг партиямиз оммага, ижтимоий фаолиятнинг ҳамма соҳаларига таъсир қилиб туришга катта имкониятга эгадир. Эндиликда гап мана шу имкониятлардан тўла фойдаланишдадир.

Партиянинг ролини ошириш — барча партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, коммунистларнинг сиёсий онглилигини ошириш, уларнинг партия-сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда актив иштирок этишига эришиш, беш йиллик планни, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажариш учун курашда олдинги сафда бўлишларига эришиш демакдир.

Бизнинг партиямиз коммунизм ишига садоқатли ҳамда меҳнаткашлар тўрасида муносиб обрў ва ҳурмат қозонган юксак малакали сергайрат ходимларни тарбиялаб етиштирди ҳамда уларни партия ва давлат ишининг, халқ хўжалигининг турли соҳаларига раҳбарлик ишларига кўтарди. Биз ҳеч качон ҳозиргидек раҳбар кадрларнинг шу кадар малакали составига эга бўлган эмасмиз, деб дадил айтишимиз мумкин.

Марказлаштириш билан маҳаллий ташаббусни, планлаштириш билан иктисодий рағбатлантиришни, коллегиячилик билан шахсий жавобгарликни бир-бири билан яхшироқ боғлаб олиб бориш талаб қилинаётган ҳозирги шароитда кадрларни тўғри танлаш ва тарбиялаш янада катта аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йилларда бизда кадрларга нисбатан чуқур ишонч, уларга меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг фаолиятига янада объектив, ҳар томонлама ёндошиш руҳи ҳарор топди. Бу жуда яхши иш, ўртоқлар. Ишонч кишиларга ғайрат бағишлайди, уларнинг кучига куч қўшади, уларнинг ўз ишига ишончини кучайтиради. Аммо, ходимларга ишончнинг ошиб бориши, катта мустақиллик берилиши уларнинг фаолияти устидан назоратни бўшаштириш демакдир, деб ўйлаган кишилар ҳаҳли эмас. Кадрларга нисбатан ишонч ва ҳурмат, албатта, уларга нисбатан юксак талабчанлик билан боғланиши керак. Партия ўз кадрларига ишонган ҳолда, топшириган иш учун ҳар бир кишидан тўла ҳисоб беришни талаб қилиб келди ва бундан кейин ҳам талаб қилади, партия ва давлат интизомини бузганлик учун эгаллаб турган лавозими ва ўтмишдаги хизматларидан қатъи назар қатъий масъулият талаб қилади.

Партияда, давлат ва хўжалик аппаратида кадрларнинг янгиланиши ва ўсишидан иборат табиий жараён ҳамма вақт давом этиб келмоқда. партия, давлат ва хўжалик аппарати янги ходимлар билан тўлдирилмоқда. Шу муносабат билан айтиш керакки, ҳозирги вақтда бизда раҳбар ходимлар сафини меҳнаткашларнинг барча табақалари — ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг энг яхши намояндалари ҳисобига, ўзларини амалий ишда яхши кўрсатган ёшларимиз, хотин-кизларнинг энг яхши намояндалари ҳисобига тўлдириб туриш учун катта имкониятлар бор.

Коммунистик қурилиш кенг авж олдирилган шароитда Советларнинг, касаба союзларининг, комсомолнинг ва меҳнаткашлар бошқа оммавий ташкилотларининг масъулияти ва роли ошиб бормоқда. Жамиятимиз бутун сиёсий системасининг етакчи ва раҳбар кучи бўлган Коммунистик партия барча давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини бирлаштириб ва йўллаб турибди. Барча оммавий ташкилотлар ўз ҳуқуқлари ва вазифалари доирасида ана шу ташкилотларда ишловчи коммунистларнинг ишга тўла масъулият билан қарашлари, ташаббускорлик ва ижодкорлик кўрсатишлари учун дадил ва ишонч билан ҳаракат қилишларини партия принципиал жиҳатдан муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Партия раҳбарлик роли кучайиши ва Советлар, касаба союзлари, комсомол, меҳнаткашлар барча оммавий ташкилотларининг роли ошиб бориши — социалистик тузумимизнинг чуқур демократик характерини акс эттирувчи бир-бири билан ўзаро боғланган ва бир-бирини тақозо қилувчи процессдир. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар!

Бизнинг партиямиз коммунистик жамият қуришнинг пойдевори бўлган экономикага ҳамиша биринчи даражали аҳамият бериб келди.

Хўжалик қурилишидаги муваффақиятларимиз асосий социал вазифаларни ҳал этишда, совет кишилари турмуш даражасини юксалтиришда бизга ёрдам бермоқда. Экономикани юксалтириш мамлакатнинг мудофаа қудратини ҳам, тинчлик ва социализм манфаатлари йўлида халқаро вазиятнинг ривожланишига биз ўтказадиган таъсирни ҳам кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Бу йил биз саноат, қурилиш ташкилотлари ва транспортни хўжалик юритишнинг янги системасига ўтказиб бўламиз. Янги шароитлар партия, совет, хўжалик ва касаба союз ташкилотлари олдига янги талаблар ҳам қўймоқда. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш юзасидан ҳали катта ишлар қилишимиз керак.

Мамлакат ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, совет зиёлилари, барча меҳнаткашлари уч йилдан бери беш йиллик план топшириқларини бажариш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Икки йил мобайнида мамлакатда саноат ишлаб чиқариши тахминан 20 процент ортди, мамлакат пландан ташқари 12 миллиард сўмлик маҳсулот олди. Етакчи тармоқлар — энергетика, металлургия, химия, машинасозлик юксак суръатлар билан ривожланиб борди. Айни вақтда халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш анча кўпайди. Истеъмол буюмлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатларини бир-бирига яқинлаштириш соҳасида партия бошлаган йўл муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги ишлар ҳам яхшиланиб бормоқда. Сўнгги икки йил ичида қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ҳажми бундан аввалги йиллардаги ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ҳажмидан анча ортиқ бўлди. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда.

Шу билан бирга, биз партия XXIII съезди ва Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалигига бағишланган 1966 йил май Пленуми қарорларини амалга ошириш учун ҳали кўп иш қилиш керак лигини тушуниб турибмиз. Бу катта иш бўлиб, бутун партия, бутун халқнинг зўр ғайрат билан ишлашини талаб қилади.

КПСС XXIII съездидан кейин иқтисодий ишлаб чиқариш ривожланиб борганлиги аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадларни 12 процент ошириш имконини берди. Саноатимиз билан қишлоқ хўжалигимиздаги ишлар қанчалик яхшиланиб борса, халқ фаровонлигини янада ошириш учун бўлган имкониятлар ҳам шунчалик кўпаяди.

Ҳозирги босқичда экономика тараққиётини ҳарактерлаб берувчи асосий кўрсаткич шуки, халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари жадаллашиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги узлуксиз юксалиб бормоқда. Миллий даромаднинг кўпайиб бораётганлиги сингари умумлаштирувчи кўрсаткичда ҳам ана шу қонуний жараён ўз ифодасини топмоқда. Шуни эслатиб ўтмоқчиманки 1961—1965 йилларда миллий даромад йилига ўрта ҳисобда мамлакатимизда 5—7 процентдан кўпайиб борди. Янги беш йиллиннинг ўтган икки йили мобайнида миллий даромад йилига ўрта ҳисобда 7 процентдан ўсди.

(Давоми иккинчи бетда).

КОСМОНАВТ УЧУВЧИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ ПОЛКОВНИК Ю. А. ГАГАРИННИ ВА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ ИНЖЕНЕР-ПОЛКОВНИК В. С. СЕРЕГИННИ ДАФН ЭТИШНИ УЮШТИРУВЧИ ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДАН

Ҳукумат комиссияси марҳум Юрий Алексеевич Гагарин ва Владимир Сергеевич Серегин билан видолашмоқ учун Совет Армияси марказий уйининг Қизил байроқли зали 30 март соат 9 дан 12 гача очиқ бўлишини маълум қилади.

Ю. А. Гагарин билан В. С. Серегин 30 март соат 14 да Қизил майдондаги Кремль девори ёнига дафн этилади. Ҳалок бўлганларнинг ҳоки солинган кутича Кремль девори тоғчаларига қўйилган пайтда мамлакатда бир минут сукут эълон қилинади.

АЛЕКСЕЙ ИВАНОВИЧ ГАГАРИНГА АННА ТИМОФЕЕВНА ГАГАРИНАГА

Азиз Алексей Иванович ва Анна Тимофеевна!

Фарзандингиз Юрий Алексеевич Гагаринининг фожиали ўлими барча совет кишиларини чуқур қайғуга солди. Мана шу оғир жудолик учун биз ҳам Сиз билан бирга қайғурамиз.

Космосни биринчи бўлиб забт этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Юрий Алексеевичнинг шонли номи Ватанимизга ва бутун инсониятга мансуб бўлиб, кишилар хотирасида умрбод сақланиб қолади.

Юрий Алексеевич ўзининг бутун оғли ҳаёти давомида Ватанга садоқат билан хизмат килиб келди. У Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди эди. Унинг ҳаёти ёш авлодларни коммунизм тантанаси йўлидаги шижоатларга ҳамиша руҳлантириб туради.

Бизнинг самимий таъзиямизни қабул килгайсиз.

Л. БРЕЖНЕВ, Н. ПОДГОРНИЙ, А. КОСИГИН.

Валентина Ивановна ГАГАРИНАГА

Азиз Валентина Ивановна!

Коммунистик партиямизнинг содиқ фарзанди, космосни биринчи бўлиб забт этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, умр йўлдошингиз Юрий Алексеевич Гагаринининг фожиали вафоти муносабати билан Сизга ва оилангизга чуқур таъзия биллирамиз ва шу оғир мусибатингизга ҳамдард эканлигимизни биллирамиз.

Юрий Алексеевичнинг бутун порлок онгли ҳаёти социалистик Ватанга садоқат билан хизмат килиш намунаси бўлди. У, космик фазони ўзлаштириш йўлидаги ғоят буюк жасорати билан социалистик Ватанимизнинг шон-шуҳратини абадий улуғлади. Юрий Алексеевичнинг ёркин хотираси совет халқининг ва бутун инсониятнинг калбида мангу қаланади.

Бизнинг сидқидилдан изҳор этган таъзиямизни қабул килгайсиз.

Л. БРЕЖНЕВ, Н. ПОДГОРНИЙ, А. КОСИГИН.

Таисия Степановна СЕРЕГИНАГА

Азиз Таисия Степановна!

Жасур ва довюрак коммунист, мард жангчи, совет халкининг содиқ фарзанди, умр йўлдошингиз, қаҳрамон Владимир Сергеевич Серегининг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор киламиз.

Владимир Сергеевичнинг ажойиб ҳаёти, унинг Ватан учун жангларда кўрсатган шижоати ва авиацияни ўзлаштириш йўлидаги қаҳрамонларча ишлари совет халқи дилида ҳамиша сақланади ва ёшларимиз учун илҳомбахш намуна бўлиб хизмат килади.

Оғир мусибат учун Сиз билан бирга қайғуриб, Сизга ва оилангизга сидқидилдан ҳамдардлик ва таъзия изҳор киламиз.

Л. БРЕЖНЕВ, Н. ПОДГОРНИЙ, А. КОСИГИН.

Евдокия Андреевна ЧЕРНОБРОВКИНАГА

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, фарзандингиз, инженер-полковник Владимир Сергеевич Серегин хизмат бурчини адо этиб турган вақтда фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзиямизни кабул килгайсиз.

Владимир Сергеевичнинг бевақт ўлими Сиз билан бирга бизни ҳам оғир қайғуга солди. Сизнинг жасур учувчи, оташин совет ватанпарвари бўлган фарзандингизнинг хотираси юрагимизда ҳамиша сақланади.

Л. БРЕЖНЕВ, Н. ПОДГОРНИЙ, А. КОСИГИН.

СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник Ю. А. Гагарин билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони инженер-полковник В. С. Серегининг ҳалокати тафсилотини аниқловчи ҳукумат комиссиясидан

СССРнинг космонавт учувчиси, полковник Ю. А. Гагарин биринчи класс синовчи учувчи инструктор В. С. Серегин билан бирга учиш маҳоратини такомиллаштириш максадида 27 март кундуз куни Москва ёнидаги аэродромдан икки ўринли реактив машк самолётида навбатдаги парвоза чиқди.

Учиш зонасида машк топшириғини адо этиб бўлганидан кейин ўз аэродромига қайтиб келаётган вақтда Владимир области Киржач районидаги Новоселово қишлоғи яқинида самолёт фалокатга учради. Фалокат натижасида СССРнинг космонавт учувчиси полковник Ю. А. Гагарин ва инженер-полковник В. С. Серегин ҳалок бўлдилар.

Ҳукумат комиссияси авиация соҳасидаги мўътабар мутахассислар иштирокида шу фалокат сабабларини текшириб чиқмоқда.

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ ФАХРИЙ ҚОРОВУЛДА ТУРДИЛАР

Авиация фалокати вақтида ҳалок бўлган СССРнинг машҳур космонавт учувчиси Юрий Алексеевич Гагарин билан авиация кисми командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Сергеевич Серегин ҳоки солинган кутичалар Совет Армияси марказий уйининг Қизил байроқли залига қўйилган. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлари уларнинг хотирасини ҳурмат билан эслаш учун 29 март эрталаб шу ерга келдилар.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар фахрий қоровулда турдилар.

Совет Иттифоқи раҳбарлари ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг шу залда тўпланган оила аъзоларига ва қавм-қариндошларига чуқур таъзия изҳор килдилар. (ТАСС).

Москваликлар Ю. А. Гагарин ва В. С. Серегин билан видолашмоқдалар

МОСКВА, 29 март. (ТАСС). Бутун Москва меҳнаткашлари самолётда машк килиб учиш вақтида юз берган фалокат натижасида ҳалок бўлган жаҳонда биринчи бўлиб космосни забт этган СССРнинг машҳур космонавт учувчиси, КПСС аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник Юрий Алексеевич Гагарин ва авиация кисмининг командири, КПСС аъзоси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони инженер-полковник Владимир Сергеевич Серегин билан видолашдилар.

... Совет Армияси марказий уйининг Қизил байроқли зали. Ю. А. Гагарин ва В. С. Серегин ҳоки солинган кутичалар ўртага, баланд супа устига кўйилган. Супа атрофи гуллар ва гулчамбарлар билан тўлиб кетган. Мотам куйлари янграйди.

Эрталаб соат 8 дан 30 минут ўтганда зал эшиклари очилади.

Дафн этишни уюштирувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари А. П. Кириленко, Д. С. Полянский, Д. Ф. Устинов, В. В. Гришин, И. И. Якубовский, А. А. Елишев, К. А. Вершинин, М. В. Келдиш, А. Г. Николаев, М. С. Смирнюков, шунингдек СССР министри Н. А. Шчелоков ва КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари А. М. Калашников биринчи бўлиб фахрий қоровулда турадилар.

Москва меҳнаткашлари оқимининг кети узилмайди. Улар Ватанимизни шарафлаган кишилар ҳурматини ва ҳожи келтириб, чуқур қайғу билан сукут сақлаб ўтиб бордилар.

БЕРУНИЙ НОМЛИ МУКОФОТЛАР КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Абу Райҳон Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети давлат мукофотларини олиш учун тақдим этиладиган ишларни илгари хабар қилинганидек, 1968 йил 1 сентябрга эмас, балки 1968 йил 27 августгача қабул қилади.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

(Боши биринчи бетда).

Лекин эришилган муваффақиятларга муносиб баҳо бериш билан бирга, биз бундан буёнги вазифаларни ва шу вазифаларни ҳал қилиш йўлларини ҳам равшан идрок қилиб боришимиз лозим. Биз беш йилликнинг дастлабки икки йилидаги муваффақиятларимизни мустаҳкамлашимиз ва ривожлантиришимиз керак. Бундан буёнги ҳам меҳнат унумдорлигини оширишга, социалистик ишлаб чиқаришдаги ҳамма резервлардан фойдаланишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ўзимизнинг асосий куч-ғайратимизни сарфлашимиз зарур.

Бошқа партия конференцияларида бўлгани каби сизнинг конференциянгизда ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларига катта эътибор берилди. Дарҳақиқат, меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисида, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш ҳақида, меҳнат интизоми тўғрисида ғамхўрлик қилиш бутун партиявий-сиёсий ишнинг диққат марказида бўлиши лозим. Ҳозирги асосий вазифа ана шундан иборат.

Ўтган йилдан эътиборан бизнинг мамлакатимизда беш кунлик иш ҳафтасига ўтила бошланди. Эндиликда миллион-миллион ишчилар ва хизматчилар ҳафтада икки кун дам олмоқдалар. Ҳафтасига бир кун дам олгандан кўра кетма-кет икки кун дам олиш ёқимли ва қулай эканлиги шак-шубҳасиз. Лекин бу тадбирни амалга ошириш вақтида партия ва хўжалик раҳбарларининг, маҳаллий Советларнинг, касаба союзларининг қиладиган ишлари кўпайиб кетди. Икки кунлик дам олишни қандай қилиб яхшироқ уюштириш мумкин, бу дам олишни сиҳат-саломатлик учун ҳам, маданий жиҳатдан ривожланиш учун ҳам, болаларни тарбиялаш учун ҳам энг фойдали тарзда ўтказмоқ учун нималар қилиш керак, деган масалалар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси яхши ва қилиниши зарур бўлган ишлардир.

Лекин партия ташкилотлари билан хўжалик раҳбарлари иккита дам олиш куни тўғрисида лозим даражада ғамхўрлик қилиш билан бирга, беш иш кунига бўлган эътиборни ҳам бўшаштирмасликлари, шу иш кунларидан ишлаб чиқаришни янада юксалтириш манфаатлари йўлида самарали фойдаланишга интилишлари керак. Янги шароитда корхона ва муассасаларнинг фаолиятини янада яхшилаш, хўжаликка раҳбарликни такомиллаштириш соҳасидаги ташкилотчилик ишларининг аҳамияти ошди. Бу ишда партия органлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари кўпроқ ташаббускорлик кўрсатишлари лозим. Беш кунлик иш ҳафтасига ўтилган шароитда меҳнатни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни тезроқ ҳал қилиш керак бўлади. Бу ерда делегатлар шу ҳақда тўғри гапларни айтиб ўтишди.

Партия ташкилотларининг иш савияси, идеология ишининг савияси тўғрисида гапирганда, аввало, ишлаб чиқариш топшириқлари қандай бажарилаётганлигини, меҳнат унумдорлиги қандай оширилаётганлигини, меҳнат интизомининг аҳволи қандай эканлигини, уюшқоқсизлик ва бўшанглиқнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қанчалик муросасиз кураш олиб борилаётганлигини ҳисобга олиш керак. Ленининг, коммунистик тарбия онгли меҳнат ва ижтимоий фаолиятдан ташқарида бўлмайди ва бўлиши мумкин эмас, деган кўрсатмаларига ҳамиша амал қилиш керак, (**Давомли қарсаклар**).

Коммунистик онгликни доимо мустаҳкамлаб бориш билан бирга, меҳнатнинг моддий ва маънавий омилларини бир-бири билан тўғри қўшиб олиб бориш лозим. Социализм шароитида бу омиллар бир-бирига зид бўлмайди, балки бир-бирини тўлдиради. Бизнинг мамлакатимизда меҳнат қилиш яшаш воситасигина эмас. Меҳнат совет кишиларининг маънавий эҳтиёжи, уларнинг жамият олдидаги юксак бурчи ҳам бўлиб қолмоқда. Бинобарин, ҳамма нарсани моддий манфаатдорликдангина иборат қилиб қўйиш нотўғри бўлур эди. Бундай қилиш совет кишисининг ички дунёсини камбағаллаштириб қўйган бўлур эди.

Бизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг чинакам хўжайини совет кишиси бўлиб, у ўз цехи, ўз корхонаси учун, завод маркасининг шуҳрати учун, ўз колхози ва совхози учун жон куйдиради. Завқли меҳнат саноат ва қишлоқ хўжалигида қаҳрамонларни майдонга келтирмоқда, мусобақанинг янгидан-янги формаларини вужудга келтирмоқда, шонли починлар ва ташаббусларни рўёбга чиқармоқда. Совет меҳнатчиларининг ғоявий етуклиги, партияга, коммунизм идеалларига чуқур садоқат туйғулари меҳнатга онгли муносабатда бўлиш тимсолида ўзининг ифодасини топмоқда. (**Гулдурос, давомли қарсаклар**).

Партия ташкилотлари, матбуот, радио, телевидение, кинонинг, барча идеология муассасаларимизнинг вазифаси ҳам шундан иборатки, улар меҳнатнинг, меҳнаткашлар бошлаган янгиликлар, ташаббусларнинг обрўсини тағин ҳам юксак поғонага кўтаришлари, меҳнатга коммунистик муносабат ҳар бир ходимнинг хулқ-атвор нормаси бўлиб қолишига эришишлари лозим.

Ишчилар йиғилишларининг ролини ошириш керак. Шу йиғилишларда ишлаб чиқаришнинг энг зарур масалалари, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинадиган бўлсин. Ишчиларнинг йиғилишларда айтган таклифларига эътибор билан қараш зарур. Шуни одат тусига киритиш лозимки, ишчиларнинг йиғилишларида киритилган таклифларни министрликлар умумлаштириб борадиган, улардан амалий хулосалар чиқариб оладиган ва бу тўғрида тегишли коллективларни вақти-вақти билан хабардор қилиб турадиган бўлсинлар.

Ўртоқлар!

Партия ва хўжалик органлари кейинги йилларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан, ишлаб чиқариш резервларидан тағин ҳам тўлиқ фойдаланиш юзасидан катта иш қилдилар. Бу иш бир талай натижаларга олиб келганлиги шак-шубҳасиз. Шу билан бирга ҳозир ҳам айрим корхоналарда машина-ускуналардан етарли равишда фойдаланилмаётир, ишчиларнинг анчагина вақти бекор ўтмоқда. Москванинг ўзида ҳам шундай ҳоллар содир бўлаётганлиги ўзингизга маълум. Биз бундай ҳолларга муросасозлик билан қарай олмаймиз.

Фондлардан олинадиган самарани кўпайтириш учун ҳам бир талай ишлар қилинди. Башарти биз аввалги беш йиллик билан таққослайдиган бўлсак, бу соҳада ҳам ижобий натижаларга эришилганлигини кўрамиз. Бироқ биз асосий ишлаб чиқариш фондларидан рационал фойдаланишни ўрганиб олдиган бўлсак, янги объектларни ўз вақтида ишга туширишни таъминлаб, улардан энг тўғри фойдаланмоқ учун зарур шарт-шароитни вужудга келтирсак, фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини амалда татбиқ этадиган бўлсак, биз ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини тубдан ошириш учун ҳамма имкониятларга эга эканлигимизни анализлар кўрсатиб турибди.

Партия ташкилотлари ана шу масалаларнинг ҳаммасини мулоҳаза қилиб кўришлари лозим. Лекин бу иш фақат партия ташкилотларининг иши бўлмай, шу билан бирга биринчи навбатда министрликларнинг, иқтисодий, план, таъминот органларининг, барча мутахассисларимизнинг ҳам ишидир.

Ишлаб чиқаришнинг жуда катта миқёслари бизнинг халқ хўжалигимизга хос бир нарса бўлиб, шундай шароитда маҳсулот сифатини янада ошириш проблемаси катта аҳамият касб қилади. Ҳамма делегатлар, барча коммунистлар бу масаланинг моҳиятини яхши биладилар, шу сабабли бу масалага батафсил тўхталиб ўтирмай қўяколай. Фақат шуни айтиш билан кифояланмоқчиманки, ҳар қандай маҳсулот — хоҳ автомобиль, трактор, двигатель, станок, хоҳ кийим-кечак, пойафзал бўлсин, унинг сифатини яхшилаш тўғрисида биз катта маблағларни тежаб қолишимиз ва одамларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришимиз мумкин бўлади. Ниҳоят, бу нарса товарларимизнинг рақобат бардошлигини тағин ҳам оширади ва ташқи бозорлардаги Совет Иттифоқининг позицияларини мустаҳкамлайди.

Капитал қурилиш проблемаси халқ хўжалигининг энг катта проблемаларидан ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда қурилиш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Катта муваффақиятлар билан бир қаторда бир талай нуқсонлар ҳам бор. Биз саноат иншоотларини ҳам, маданий-маиший, социал муассасаларни ҳам ҳамма жойда ўз муддатида ишга туширяпмиз, деб айта олмаймиз. Маблағларнинг сочиб юборилишига, лойиҳаларнинг сифатсиз бўлишига ва бошқа бир қанча нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Яқинда Марказий Комитет билан Министрлар Совети капитал қурилишни кадрлар билан таъминлаш чоралари тўғрисида қарор қабул қилдилар. Қурувчиларга катта ёрдам берилмоқда. Қурувчилар совет ишчилар синфининг катта отряди бўлиб, улар кўпинча қийин шароитларда ишлайдилар. Хўжалик қурилишимизнинг ана шу муҳим соҳасини ўз назоратлари остига олиш, фақат таҳлил қилибгина қолмай, капитал қурилиш ишини амалда тезроқ яхшилашга кўмаклашиш — партия ташкилотларининг бурчидир.

Яна бир масала борки, бу ҳақда гапирмай ўтиб бўлмайди. Бизнинг асримиз — фан-техника революцияси асридир, бинобарин, фан-техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш, бошқа мамлакатларнинг, шу жумладан техника тараққиёти соҳасида кўпгина фойдали тажриба орттирган социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг фан-техника соҳасидаги тажрибасидан фойдаланиш экономикани ривожлантиришда салмоқли муваффақиятларга эришишнинг муҳим шартларидан биридир.

Умумиттифоқ министрликларининг ҳаммаси Москвада жойлашган. Фан-техника тараққиёти учун ана шу министрликлар ва уларнинг партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклатилган. Министрликларнинг ташкилий қарор топиш даври тугаб, уларнинг ишига талабчанликни ошириш вақти келди. Саноатнинг тегишли тармоқларидаги техникавий даража учун биринчи навбатда министрликлар жавобгардир.

Фанлар академияси, етакчи илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари Москвада ишламоқда. Бу муассасалар актуал илмий-техникавий проблемаларни тез ва самарали ҳал қилиб беришлари, ҳамиша ижодий изланиш билан шуғулланишлари, практикадан илдамроқ боришлари, агар таъбир жоиз бўлса, ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан яхшилаб, саноатнинг етакчи тармоқлари учун энг юксак марраларни таъминлаб берадиган илмий-техникавий негизни олдиндан яратиб беришлари лозим.

Партия фан ходимларининг меҳнатини юксак қадрлайди, фаннинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилади. Марказий Комитет билан Совет ҳукумати ҳозирги вақтда фаннинг самарадорлигини янада ошириш, унинг ишлаб чиқариш билан алоқасини кучайтириш чораларини ишлаб чиқмоқдалар.

Фаннинг баъзи тармоқларини ривожлантиришда, бир қанча илмий-тадқиқот муассасалари ишида камчиликларимиз ҳам бор, албатта. Бу камчиликларнинг энг каттаси шуки, олимларнинг кўпгина кашфиётлари, технологиядаги янгиликлар ишлаб чиқаришга сусткашлик билан жорий этилмоқда. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлмоқда. Лекин бизда баъзан шундай ҳол бўладики, ўртоқлар, баъзи ходимлар фан-техника тараққиёти тўғрисида гапирган пайтда ўз мамлакатимиздаги ва бошқа социалистик мамлакатлардаги фан-техника тафаккурининг муваффақиятларини очиқдан-очиқ камситадилар. Айни маҳалда ана шу кишилар капиталистик дунёдаги фан ва техниканинг муваффақиятларига ошиқча баҳо бериб юборадилар.

Фактлар шундан иборатки, фақат социализм, хўжаликни планли асосда юритишнинг ўзи фаннинг равнақи ва бутун жамият манфаатлари йўлида фан-техника тараққиётидан фойдаланиш учун мислсиз имкониятлар таъминлаб беради. Совет олимларининг космос, планеталараро фазони ўзлаштириш, ядро физикаси, математика ва бошқа асосий фанлар соҳасидаги улуғвор кашфиётлари ҳаммага маълум. Бизнинг фанимиз, қардош социалистик мамлакатларнинг олимлари ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини, аввало металлургия, химия, электроника, телемеханикани такомиллаштириш учун ҳам жуда кўп иш қилдилар. Ўз-ўзидан равшанки, мамлакатимиз олимлари, конструкторлари ва инженерлари олдида ҳали каттакатта вазифалар турибди, улар совет фани ҳамма жиҳатдан ва ҳамма соҳаларда ҳақиқатан ҳам энг илғор фан бўлиб қолиши учун ана шу вазифаларни ҳал қилишлари лозим. (**Қарсаклар**).

Социалистик мамлакатлар экономикаси тез ва жадал юксалиб бораётган, бутун социалистик система буюк муваффақиятларга эришаётган бир пайтда, капиталистик экономиканинг ғуғалмас иллатлари айниқса яққол кўриниб қолмоқда.

Дарвоқе, бизнинг олимларимиз, халқаро масалалар билан шуғулланувчи пропагандистларимиз ҳозир капиталистик дунёда рўй бераётган ва уни талвасага солаётган социал-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни анализ қилишга кўпроқ эътибор беришлари мумкин.

Ҳозир капитализмнинг энг муҳим бўғинлари бўлмиш Англия, Қўшма Штатлар, Германия Федератив Республикасининг экономикаси жиддийларзаларга дуч келмоқда. Бу — тасодифий бир ҳол эмас. Бу ларзалар жаҳон хўжалиги ва аввало, АҚШ хўжалигининг бундан олдинги бутун тараққиёти натижаси бўлиб, капиталистик экономиканинг беқарорлиги кучайиб бораётганлигини, унинг тараққиётидаги нотекислик кескинлашаётганлигини акс эттиради. Ўрушдан кейинги даврда капиталистик дунёдаги ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ бирмунча ривож топди. Бу — фактдир. Лекин бу нарса буржуазия идеологлари даъво қилаётганидек капитализмнинг «ҳаёт қобилияти» қайтадан дунёга келганлигини асло билдирмайди. Бу ҳол ҳозирги замон фан-техника революциясининг ўзига хос хусусиятларига алоқадордир. Ҳозирги вақтда бу ўсиш кетма-кет кризис таназзуллари билан алмашилди. Бу кризис таназзулларининг миқёси кейинги чорак аср мобайнида рўй берган ҳамма таназзуллардан ошиб кетди.

Ҳозир бошланиб кетган валютамолия танглиги капиталистик система доирасидаги кризис кўринишларининг мужассам ифодасидир. Яқинда Англиянинг фунтстерлинги девальвация қилиниб, унинг қиммати 14.3 процент камайтирилди. Бу воқеанинг аҳамиятини шундан ҳам билса бўладики, Англия фунти халқаро савдо-сотиқдаги ҳамма ҳисоб-китобларнинг 30—35 процентида фойдаланилади. Фунтдан кейин 25 тадан ортиқ капиталистик давлат валютасининг ҳам қадрсизланганлиги бежиз эмас. Энди навбат Америка долларига келди. ҳақиқатда долларни девальвация қилиш бошланди. Доллар ўрушдан аввалги даражадагисидан икки ярим-уч баравар қадрсизланди. Шундай шароитда капиталистик система чуқур иқтисодий кризисга дучор бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳозирнинг ўзидаёқ Америка, Англия, Франция, Италия, Германия Федератив Республикасида ишсизлик тез кўпайиб бораётганлигини кўриб турибмиз. 1968 йилнинг бошларига келиб, шу мамлакатлардаги ишсизлар сони 6 миллион кишига етди. Бу рақам тирик кишиларнинг, одамларнинг фожиасини кўрсатади.

Булар капитализм иллатларининг далолати эмасми, ахир? Биз бу ҳақда баралла овоз билан гапиришимиз лозим, ўртоқлар, чунки бу—ҳақиқатдир, бу—идеология курашидаги ишонтириш қуролидир. (**Қарсаклар**).

Ўртоқлар! Шаҳар партия комитетининг ҳисобот докладида, делегатларнинг нутқларида марксизм-ленинизм назариясини ўрганиш масалаларига, идеология масалаларига катта эътибор берилди. Бу — тўғри. Ҳозир кескин идеология кураши олиб борилмоқда. Бу курашдаги фронт линияси, унинг асосий жабҳаси социализм билан капитализм ўртасидан, бир-бирига зид бўлган икки ижтимоий система ўртасидан ўтади.

Империализм тарихнинг ҳужумкор ҳаракатини тўхтатишга ожиз бўлиб ва жаҳон социализми билан ошкора олишишга жазм қилолмай, социалистик мамлакатлар меҳнаткашларининг ғоявий-сиёсий бирлигини бўшаштиришга уринмоқда. Бунда асосан миллатчи ва ревизионист унсурларга умид боғланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг давримиздаги идеология кураши—синфий курашнинг шиддатли фронти бўлиб қолди. Бу курашда сиёсий лоқайд ва пассив бўлиш, душман ўз олдига қўяётган мақсадларга нисбатан холис бўлиш мумкин эмас. Бизнинг партиямиз пролетариат билан буржуазия ўртасида синфий сулҳ тузилиши мумкин бўлмаганидек, идеология соҳасида ҳам тинч-тотув яшаш мумкин эмас, деб доимо огоҳлантириб келган эди. (**Давомли қарсаклар**).

Совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлигини бўшаштиришнинг уддасидан чиқа олмасликларини идеология соҳасидаги ғаниларимиз яхши билишади. Лекин шундай бўлса-да, буржуа идеологлари совет кишилари айрим гуруҳларининг дунёқарашига бир амаллаб таъсир ўтказишга, уларнинг синфий онгини сийқалаштиришга ҳали ҳам умид қилиб келмоқдалар.

Советларга қарши империалистлар тузган турли хил ташкилотлар ва муассасалар маънавий тутириқсиз, заиф, сиёсий ғўр кишиларни қидириб топишга уринмоқдалар. Ўзига зеб берган, Ватан йўлидаги меҳнати билан эмас, балки турли шубҳали сиёсий воситалар йўли билан ўзини кўрсатишга мойил бўлган, бизнинг ғоявий мухолифларимизнинг мақтовларига учган кимсалар баъзан уларнинг қармоғига илиниб қолмоқда. Совет жамоатчилиги ана шу иккиюзламачи кишиларнинг шармандали ҳатти-ҳаракатларини қаттиқ қораламоқда. (**Давомли қарсаклар**). Муртадлар жазосиз қолишга умид қила олмайдилар. Меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп хатлари ҳамда Москва ва бошқа шаҳарлардаги бир қанча корхона ва муассаса ишчилари ҳамда хизматчилари йиғилишларининг резолюциялари ана шундан яққол далолат бериб турибди.

Империализм қароргоҳидаги душманларимиз айрим зиёлиларнинг ғоявий ғўрлиги ва иккиланишларидаги ҳар қандай кўринишларга жуда қаттиқ ёпишиб олмоқдалар. Империалистлар ўзларининг социализм дунёсига қарши идеология курашида шу воқеалардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринмоқдалар.

Лекин шуни ҳамма билиб қўйсинки, мамлакатимизнинг барча зиёлилари каби, совет маданияти ва санъати арбоблари ҳам ўз халқи билан, Ленин партияси билан бирга бўлиб келдилар, ҳозир ҳам биргадирлар ва бундан буён ҳам бирга бўладилар. (**Гулдурос, давомли қарсаклар**). Совет зиёлилари ҳамиша революциямиз байроғига содиқ бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай. (**Давомли қарсаклар**). Совет халқи ва унинг Коммунистик партиясининг бузилмас бирлигини — коммунизм улуғ иши учун курашдаги ҳамма ғалабаларимизнинг гарови бўлган бирликни бўшаштиришга душманларимиз ҳеч қачон муваффақ бўла олмайдилар. (**Давомли қарсаклар**).

Ватанимизнинг кучи, хўжалик қурилишидаги ва мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашдаги муваффақиятларимизнинг негизи ана шу бирликда эканлигини ҳар бир коммунист, ҳар бир совет кишиси яхши билади. Бу—буюк бирлик бўлиб, қардош социалистик мамлакатлар билан, бутун дунёдаги коммунистлар билан дўстлигимиз мустаҳкамлигининг асосидир. Империализмга қарши курашда бизнинг енгилмас кучимиз ана шу бирликдадир. Бутун дунёда тинчлик учун курашдаги муваффақиятларимизнинг манбаи ана шу бирликдадир. (**Гулдурос, давомли қарсаклар**).

Ўртоқлар, биз идеология ишидаги ҳақиқатни гапирганимизда аввало, ёшларимизни тарбиялашни ўйлаймиз. Бу иш—жуда катта умумпартиявий, умумдавлат ишидир. Аслини олганда, бу иш жамиятимизнинг келгусидаги тараққиёти масаласидир.

Бизнинг ёшларимиз меҳнат нималигини яхши биладилар, меҳнат қилишнинг уддасидан чиқадилар. Биз мамлакатнинг етакчи қурилишларида, электр станцияларда ва заводларда, далаларда ва чорвачилик фермаларида, илмий-тадқиқот институтларида ва лабораторияларда ёшларни кўриб турибмиз. Студентларнинг қурилиш ташкилотлари тузилганлигида ва студентларнинг бошқа фойдали ишларда қатнашаётганлигида ўқув машғулотлари билан амалий меҳнат қўшилиб кетганлиги ўзининг ёркин ифодасини топди. Бу эса бизда яхши анъанага айланиб қолди.

Коммунизм қуриш даврида ёшларга сиёсий ва илмий-техникавий билим бериш муҳим ва масъулиятли иш бўлиб қолди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Владимир Ильич Ленин совет ёшларини ўқиш, ўқиш ва ўқишга даъват қилган эди. Советлар мамлакатининг ишчи ва қишлоқ ёшлари ана шу даъватга лаббай деб жавоб бериб, саводсизликни тугатиш машғулотларига, курсларга, ишчилар факультетларига бориб ўқиганлигини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Ёшлар ўз оталари революция баррикадаларида ва граждан уруши окопларида душманга қарши жангларда ҳимоя қилган ғояларни ўрганиб олдилар, марксизм таълимоти асосларини, коммунизм алифбосини ўргандилар ва шу билан бирга, социализм қуриш учун зарур бўлган бошланғич илмий-техникавий билимни олдилар.

Эндиликда ёшларнинг билим олиш имкониятлари беқиёс ўсди, лекин шу билан бирга, жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ўқимишли, чинакам ғоявий, чуқур билимли ва малакали ходимларга бўлган талаби ҳам мислсиз ўсди.

Ҳозирги кунларда ёшларнинг марксизм-ленинизм фанини мунтазам ва чуқур ўрганиш, марксизм-ленинизм таълимотини жамиятимиз турмуши ва ривожидаги барча мураккаб жараёнларга кенг кўламда татбиқ этиш имконияти ҳар қачонгидан ҳам катта. Ҳозирги кунларда илм-фан турмушнинг ҳамма соҳаларига тобора зўр куч билан кириб бормоқда. Ҳозир саноатнинг бирон-бир тармоғи йўқки, бу тармоқни электроника ва кибернетикасиз, биохимия ва квант физикаси ҳамда ҳозирги замон илмий билимларининг бошқа кўпгина чўққилари муваффақиятларидан фойдаланмай туриб ривожлантириш мумкин бўлади.

Бизнинг ёшларимиз ана шу чўққиларни эгаллаши лозим. Биз совет ёшларини марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиш билан бирга, ёшларимиз олган билимлар коммунистик қурилишнинг амалий вазифаларини ҳал қилиш йўлида фойдаланилиши тўғрисида, ҳозирги замон фанининг ҳамма муваффақиятларидан совет кишиларининг бахт-саодати йўлида фойдаланилиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилишимиз лозим.

Ёшларни илмий-техника ижодкорлигига активроқ жалб қилиш лозим. Олий ўқув юртлари ва корхоналарнинг партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ёшларни илмий-техника жамиятларига, илмий тўгаракларга жалб қилиш соҳасидаги ишларни кенг кулоч ёздиришлари лозим. Бундай жамият ва тўгараклар ўқув юртларида, завод ва фабрикаларда, совхоз ва колхозларда ташкил этилиши ва ёшлар бу жамият ҳамда тўгаракларда фаннинг энг янги муваффақиятлари ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш тўғрисида тўлиқ тасаввур олишлари мумкин. Бу ишда ўқув юртларининг олимлари, профессорлари ва муаллимлари, барча илмий ходимларимиз катта роль ўйнашлари мумкин ва лозим.

Бу — муҳим вазифа, ўртоқлар. Бунда гап ёшларнинг ҳозирги замон фан ва техникаси чўққиларини эгаллашлари учун чинакам оммавий ҳаракатини уюштириш устида бормоқда. Сиёсий жиҳатдан етук ва энг янги фан-техника билимлари билан қуролланган ёшлар коммунизм қуришдан иборат умумхалқ ишига ўзларининг тағин ҳам баракалироқ ҳиссаларини қўша олади. Ёшларимиз — ёш ишчилар ва колхозчилар, Совет Армияси ва флотининг жангчилари, олий ўқув юртларининг талабалари мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий турмушида тобора кенг ва актив қатнашмоғи учун ҳамма ишларни қилишни партиямиз ўзининг бурчи деб билади. (**Давомли қарсаклар**).

Ўртоқлар! Шу кунларда мамлакатимизда ва бутун дунёда геннал пролетар ёзувчиси, Ленининг дўсти, меҳнаткаш халқ баҳт-саодати учун курашчи Алексей Максимович Горький туғилган кунинг юз йиллиги нишонланмоқда. У яратган ўлмас бадиий образлар, жўшкин жанговар публицистика, унинг бутун улкан мероси улуғ халқимизга хизмат қилмоқда, ёзувчи ҳаёт чоғидаги каби Советлар Ватани душманларига зўр куч билан зарба бермоқда. Улуғ инсонпарвар ва революционер бўлган бу зот капиталистик тузумни жонжаҳди билан ёмон кўрар, унинг риёкорлик, манфур ниқобини йиртиб, империалистик, фашистик идеологиянинг ҳар қандай кўринишларини фош қилиб ташлар эди.

Горький Советлар Ватанининг шаҳдам одимига қувонар, ўз тақдирининг хўжайини бўлиб қолган ишчилар ва деҳқонларнинг ижодий ҳаёси билан фахрланар эди. У, ёшларимизни меҳнат гаштини суришга ўргатар, ўзларида меҳнатга иштиёқ ва меҳр-муҳаббат ҳиссларини тарбиялашга ўргатар эди. «Меҳнатни севинглар, — деган эди у, — Меҳнат — коллектив, ақил, эҳкин меҳнатнинг кучи инсонни шу қадар улуғ ва доно қиладики, бошқа ҳеч қандай куч бунга қодир эмас». (**Давомли қарсаклар**).

Бизнинг санъаткор зиёлиларимиз Горький анъаналарини мерос қилиб олиб, ўз ижодлари билан совет қишисининг маънавий дунёсини бойитмоқдалар, яқин ўтмишдаги жанговар кунлар зафарномасини ва халкнинг ҳозирги меҳнат шижоатларини тараннум қилмоқдалар, бизга ёт бўлган идеологияга нисбатан муросасизлик ҳис-туйғуларини уйғотмоқдалар.

Ёзувчилар, рассомлар, барча санъат арбоблари яратаётган энг яхши асарларни миллион-миллион кишилар миннатдорчилик билан ва таҳсин айтиб кутиб олмоқдалар. Ғоявий-бадиий жиҳатдан заиф, бўш асарлар пайдо бўлиб қолганида эса (афсуски, бизнинг адабиётимизда, киномизда, театримизда ҳам шундай асарлар пайдо бўлиб колаётганлиги ўзингизга маълум), совет кишилари уларга синчковлик билан жиддий баҳо бериб, юз-хотир қилмай уларнинг камчиликларини айтмоқдалар. Ижоддаги муваффақиятсизликлар ва ғоявий нуқсонлар атрофида кўп гап-сўз ва ҳар хил фикрлар пайдо бўлади. Ижодий союзлар ва партия ташкилотлари принципиаллик кўрсатаётган, камчиликлар тўғрисида ўртоқларча ошкора ва тўппа-тўғри гапирилаётган жойларда муваффақиятли ижодий иш учун яхши вазият вужудга келишини турмушнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан партия қилган улкан идеология иши жуда катта аҳамиятга эга. Москвадаги партия ташкилотларида ҳам бу ишнинг кўпгина мароқли формалари вужудга келди. Бошқа партия ташкилотлари сингари Москва коммунистлари ҳам ўша шонли кунларда ўзлари орттирган тажрибани умумлаштириб ва мустаҳкамлаб, тўғри иш қилмоқдалар.

Ҳозир мамлакатда партиямиз учун ҳамда бутун коммунистик ва ишчилар ҳаракати учун катта воқеалар — К. Маркс туғилган кунининг 150 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўрилмоқда. Бу буюк саналар партия бутун идеология фаолиятини тағин ҳам юксак поғонага кўтариши, марксизм-ленинизмнинг жуда бой меросини ўрганишда, революцион таълимотимизни ижодий тарзда янада ривожлантиришда янги катта босқич бўлиши шак-шубҳасиздир.

Бу саналар чет элларда, бутун халқаро коммунистик ҳаракат томонидан ҳам кенг кўламда нишонладади. Биз шунга аминмизки, коммунистик ҳаракат, барча антиимпериалистик кучларнинг бирлиги марксизм-ленинизмнинг бузилмас негизида мустаҳкамланиб бораверади ва душманларимизнинг айюханнос солишларига қарамай, келажак Маркс—Ленининг улуғ ғояларинки, коммунизмники бўлади! (**Гулдурос давомли қарсаклар**).

Сўнгра ўртоқ Л. И. Брежнев конференция делегатларига Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг 6-7 мартда Софияда бўлган мажлиси тўғрисида, шунингдек олти социалистик мамлакат қардош партиялари ва ҳукуматлари делегацияларининг шу йил 23 мартда Дрезденда бўлган учрашуви ҳақида ахборот беради. Конференция делегатлари бу ахборотни якдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нутқининг пировардида бундай деди:

Ўртоқлар! Биз шундай даврда ва шундай вазиятда яшаётиримизки, бу нарса жаҳонда биринчи бўлиб социализм ғалаба қозонган мамлакат бўлмиш бизнинг мамлакатимизга, шонли Ленин партияси бўлмиш бизнинг партиямизга, ижтимоий тараққиётнинг олдинги сафида бораётган бутун халқимизга жуда катта масъулият юклайди. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар—барча совет кишилари ана шу масъулиятни яхши биладилар ва уларнинг ҳар бири ўз соҳасида улуғ Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш учун курашмоқда.

Ишонч билдириб айтаманки, ўртоқлар, Марказий Комитет тевараги ва маҳкам жипслашган шонли пойтахт партия ташкилоти бундан буён ҳам коммунистик қурилиш соҳасида КПСС XXIII съезди қўйган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун олиб борилаётган курашнинг олдинги сафида бўладилар. (**Гулдурос, давомли қарсаклар**).

Сизларга, конференция делегатларига, Москванинг барча коммунистларига бундан буёнги ишларингизда чин кўнгилдан яна бир марта каттэ муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз, ўртоқлар. (**Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради. «Ура!», «Яшасин КПСС!», «Партиямизнинг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар!» деган хитоблар эшитилади**).

СОЦИАЛ-ТАЪМИНОТ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Яқинда пойтахтимизда республика социал-таъминот органлари ходимларининг кенгашсеминари бўлиб ўтди. Унда барча область, шаҳар ва район социал таъминот бўлимларининг раҳбар ходимлари, давлат пенсиялари ва давлат нафақалари бўйича инспекторлар, бухгалтерлар, инвалидларни ишга жойлаштириш, колхозчилар пенсия таъминоти секторларининг ходимлари, колхозчилар социал-таъминоти область ва район Советларининг раислари ва аъзолари, инвалидлар ва кексалар уйларининг, социал-таъминот системасидаги ўқув юртларининг, врач-меҳнат экспертизаси комиссияларининг ходимлари қатнашдилар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов очди.

Кенгашда республика социал-таъминот министри В. С. Содиқова «1967 йил иш якунлари ҳамда партия ва ҳукуматнинг меҳнаткашлар социал-таъминоти тўғрисидаги карорларини ҳаётга ўз вақтида татбиқ қилиш соҳасида республика социал-таъминот органларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Мажлис охирида социал-таъминот органлари ходимларининг катта группасига Республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди. Мукофотланганларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ё. С. Насриддинова қизғин табриклади.

Семинар — кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири В. Н. Қодиров, республика соғлиқни сақлаш министри К. С. Зоиров, молия министри В. Муродхўжаев ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

● ШАҲАРЧА-СОВХОЗ

КОГОН. Шаҳар яқинидаги янги сут-сабзавотчилик «Бухоро» совхозини комплекс қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу ерда жуда катта қозонхонали йирик парник хўжалиги, сабзавот омбори барпо этиш кўзда тутилади.

Қишлоқ стадионини қуриш планлаштирилди. Қурилиш материали сифатида йигма темир-бетондан фойдаланишга қарор қилинди.

● ЧИГИТ ЭКИЛМОҚДА

Фарғона областининг пахтазорларида кўпламги экиш ишлари бошланди. Қува районидаги «Ленинизм» колхозининг Омонали Аминов бригадасининг механизаторлари агрегатларни далаларга олиб чиқдилар. Тракторчи Раимберди Бердиев янги ўзлаштирилган ернинг дастлабки 10 гектарига чигит экди. Чигит экиш билан бирга тупроққа ўғит ҳам солинмоқда.

Фарғона районидаги Карл Маркс номли колхоз механизаторлари ҳам етилган ерларга чигит экишга киришдилар.

● ХОТИН-ҚИЗЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Қаршида Қашқадарё область хотин-қизларининг конференцияси бўлди. Делегатлар область меҳнатчи хотин-қизларининг экономика ва маданиятни янада ривожлантириш учун курашдаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Область хотин-қизлар советининг янги состави сайланди.

##

ЁЗУВЧИ, НОТИҚ, ИНСОНПАРВАР

А. М. ГОРЬКИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

А. М. Горький туғилган кунининг юз йиллигига бағишланиб, 28 мартда Кремлнинг Съездлар саройида тантанали мажлис бўлиб ўтди. Мажлисга ёзувчилар ва жамоат арбоблари, санъат пешвозлари ва партия ходимлари, пойтахт корхоналарининг ишлаб чиқариш илғорлари ва Москва атрофидаги хўжаликларнинг энг яхши кишилари, пойтахт меҳнонлари келдилар.

Саҳна тўрида Горькийнинг улкан портрети илинган ва 1868 — 1968 деган саналар ёзилган.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев президиумда ўтоклар, президиумнинг бутуниттифоқ юбилей комитетининг аъзолари президиумга чиққанларида мажлис аҳли уларни қарсаклар билан табриклаб, кутиб олди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари К. А. Федин тантанали мажлисни очиш олдидан нутқ сўзлаб, бундай деди:

Мана шу гўзал баҳор кунида мамлакатимиз бошига қайғу тушди. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари жаҳонда биринчи космонавт учувчи Юрий Алексеевич Гагарин ва инженер-полковник Владимир Сергеевич Серегин халоқ бўлдилар. Юрий Алексеевич Гагарин бугун мана шу тантанали мажлисимизда сўзга чиқмоқчи эди. Совет Ватанининг шонли фарзандлари хотирасини ўрнингизда туриб, ҳурмат билан эсга олишни таклиф киламан.

Залдагилар ўринларидан турадилар...

К. А. Федин кириш нутқи сўзлайди.

— Алексей Максимович Горький туғилган кунга юз йил тўлди. — деди К. А. Федин. — Бу юз йиллик бамисоли гултоқ каби боқда бир сана билан қўшилиб кетди: Ёзувчининг юртида, Нижний Новгороддаги «Волгарь» газетасида бундан етмиш беш йил муқаддам Горькийнинг биринчи ҳикояси тўғрисидаги биринчи тақриз босилиб чиққан эди. Ўша вақтдаёқ бу ерда, жонажон Волга дарёси тепасида Горький бошланиб келаётган шуҳрати қанот қоққан эди. Ўша шуҳрат бу ердан парвоз қилиб, ерлар ва сувлар устидан ғоят тез учиб ўтиб, тез орада бутун дунёга ёйилди.

Ана шу мўъжиза-шуҳратга эртак, деб ном қўйишди. Ҳақиқатан ҳам эртак эди, чунки унинг чақмоқлари ёзувчининг, турмушни гўзал қилайлик, деган ажойиб даъватини ҳамма ёққа таратди.

Кечагина номаълум бўлган санъаткор ўзининг шу даъвати билан на бойлиги, на қудрати бўлган одамларга, бирор илмдан ҳам хабардор бўлмаган, кўпинча ғирт саводсиз, муҳтожлик забун қилиб қўйган, беҳад ишлай бериш натижасида ва зулмат ичида эзилиб ётган одамларга мурожаат қилди. Ёзувчи уларга, қаддингизни ростлаб олинг, деб даъват қилди. Уларнинг инсонлик ифтихорини уйғотди.

Аксарияти ўз қисматининг яхшиланишидан умид узиб қўйган ўша одамлар санъаткорнинг даъватларига ишона оларми? Горький билгани учун ҳам шу гапларни айтган эди. У ёшлик чоғиданоқ турмушнинг машақатли сўқмоқларини босиб ўтган ва у тортмаган қулфат-андуҳлар қолмаган эди. У ҳатто ҳалокат бўсағасида турган одамда ҳам эзг умид борлигини биларди ва буни ўз бошидан кечирган эди. Чинакам санъаткор бўлган Горький фантазиянинг кучини биларди. У халқ чўпчаклари, афсоналари, эртакларини сира чарчамай улуғлай берди. Уларга халқнинг муҳаббати зўр эди. Шу муҳаббат туфайли у эртак одамда завқ тугдиришини ҳам лозимлигига қатъий ишонди.

Мана шундай қатъий ишонч туфайли Горький китобларидаги эртаклар сингари гўзалликларнинг ҳаммаси вужудга келди. Лочин тўғрисидаги, Бўрон қуши тўғрисидаги машҳур қўшиқлар ҳам туғилди. Эртаклардаги сингари қаҳжонли бу қўшиқлар жанга шайланиш туйғулари билан тўлиқ эди. Ўша қўшиқлардаги тасвирлар шу қадар умумлаштириб берилган эдики, қўшиқ қаҳрамонлари бўлган қушларнинг ўзи жаҳон устида парвоз қилиб, ҳамма жойда бамисоли қаҳрамонлик рамзи, деб қабул қилинди ва абадий шундай бўлиб қолди.

Горький мешчанларни чўчитиб турган ҳалқнинг қуйи табақалари орасидан кўтарилиб чиқди ва улар устида қуш бўлиб парвоз қилди — мешчанларни ҳайратда қолдирган нарса ҳам мана шу эди. Шунинг учун ҳам дастлабки пайтларда Россияда ва бутун дунёда Горькийнинг шуҳрати Волгадаги бурлаклар ёки хоммоллар орасидан етишиб чиққан ажойиб бахшининг шуҳрати бўлиб тарқалди, кўпинча мана шу ҳодисанинг ўзи бир афсона деган овозалар ёйилди.

Лекин ҳақиқий мўъжиза шундан иборат эдики, ҳаёлчи бўлиб кўринган Горький чинакам реалист эди. У эртаклар тўқишни давом эттирар экан, бу эртаклари қандай қилиб ҳақиқатга айлантиришни тиммай ўйларди. У ўйлардики, гўзалликка олиб борадиган йўлни билмай туриб, одамларни мана шу гўзалликка даъват қилиш санъаткорга муносиб ишмикин? Янги дунёни кимлар қуради? Эски дунёда ким ўз ўрнини индамай янги дунёга бериб қўя қолади? Эски дунёни емириб ташлашга мажбур бўлган кишилар ким? Қўшиқ куйловчи қушлар даъват қилаётган қурашни кимлар ва қандай олиб бориши кераклигига турмушнинг ўзи дадил жавоб қилаверади. Ёшлик чоғиданоқ Горький революция кишиларини, булар орасидаги бўлажак марксистларни ҳам тобора яқиндан туриб ва чуқур била бошлади. У ишчи ёшларнинг тўғракларида ўқишга ҳам муяссар бўлди. Бу ёшлар подпольеда олиб бориладиган партиявий иш ҳамища ҳам маҳфий бўлиб қолаверади, деб ҳисобламайдиган кишилар эди. Горький бутун рус элини билим ўрганмоқ учун бўз йигитлик чоғидаёқ пиёда йўлга тушиб мамлакатимизнинг тарихий йўлига — революционерлар йўлига чиқиб олди.

Ўша вақтда икки аср чегарасида жаҳон ёзувчининг назарида дўстларга ва душманларга қатъий равишда бўлинди. Реакция, Горький нинг асарлари мавжуд тартиб учун «зарарли», деган қатъий фикрга келди. Чор ҳукуматининг маъмурлари Горькийнинг фаолиятидан жазолашга имкон берадиган ҳар бир қадамни қидира бердилар. Ёзувчига полиция участкаларида, турмаларда, қалъаларда қамаб, маҳфий, ёки ошкора назорат остида сақлаб, аваҳта ҳоналарга тиқиб, ёки хонаки қамоқларда сақлаб берилган азоблар унинг руҳини қанчалик эзганлиги ва қанчалик тинкасини қуритганлигини ўлчаб аниқлаш жуда мушкул албатта. Аммо мана шу таъқиботларнинг ҳаммасига бардош бериб, Горький ўз мўъжизакор қаламининг мардлигига путур етказмаганлиги ҳақиқий шоир бўлган шу зот руҳининг улуғлигидан далолат бериб турибди.

Горькийнинг овозини ўчиришни ўзига вазифа қилиб олиб, бунинг уддасидан чиқа олмай баданига тиканлар қадаган ғанимлар фақат манфур реакционерларданигина иборат бўлмади. Россиядаги 1905 — 1906 йиллар революциясининг воқеалари авжга чиққан ва бу воқеалар Америка Қўшма Штатларига ҳам ўзининг катта таъсирини ўтказиб турган бир вақтда олий расмий доираларнинг вакили бўлган бир шахс, масалан, ўз ватандошларига қуйидаги гапларни уқтирмоқчи бўлди: «Горькийга қулоқ солаётган Америка халқи шуни тушуниб олиши керакки, у (Горький) либерал ҳам эмас, реформатор ҳам эмас, балки бориб турган ва чинакам революционердир». Сўнгра ўша шахс, Горький «ҳеч шубҳасиз талантли, ҳаттоки эҳтимол доҳий ёзувчи...» эканлигига тан бериб, «...бироқ унинг (Горькийнинг) мақсади реформа эмас, балки революция қилиш эканлигини очиқ тушуниб олиш керак...», деб қайта-қайта огоҳлантирган эди.

Горький вафотига қадар ва унинг вафотидан кейин ўтган бир неча ўн йиллар давомида мана шу тарздаги хилма-хил огоҳлантиришларни матбуот саҳифаларида жуда кўп учратиш мумкин. «Революционер» деган сўз билан қўрқитиб фариштасифат буржуалар оламини Горький даъватига қулоқ солишдан чалғитмоқчи бўлдилар. Лекин Горький қуйлаган меҳнат аҳлларини қўрқитиб, ундан четлаштириш мумкин эмас эди. Унга мухлис бўлиб қолаётган китобхонлар ғарбда ва шарқда йилдан-йилга бениҳоя кўпаяверди. Горький пролетариатнинг халоскорлик курашидан умрбод илҳомланиб келганлиги каби у ўз даҳосини ҳам Улуғ Октябрнинг қудратли энергиясига абадий қўшиб қўйди. Шу тариқа у революция душманларига қаршилик кўрсатувчи кучларнинг битмас-тугалмас запасини революциянинг ўзидан топди.

Горький ҳеч қачон енгилган эмас ва ҳеч қачон енгилмайди. Бу сер орзу ва реалист адибнинг китоблари бизни дўстлик билан гўзал келажакка бошлаб бормоқда, бу гўзал келажакда, Горькийнинг сўзи билан айтганда, — инсон ақл-идрокининг ва маънавий куч-қудратининг ижодий кучлари енгиб чиқади.

Ёзувчи Алексей Максимович Горькийнинг 100 йиллиги шарафланаётган ҳозирги кунда бўлгани каби, деди пировардида Константин Федин, ўша зафарли келажакда ҳам унинг шуҳрати бизнинг тепамизда баланд парвоз қила беради.

К. А. Федин А. М. Горькийнинг юз йиллигига бағишланган тантаналарига, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам Демократик Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Ҳиндистон, Канада, Монголия Халқ Республикаси, Покистон, Польша, Руминия, Франция, Чехословакия, Швейцария, Югославия, Японияда меҳмонлар келганлигини хабар қилади.

Мажлис аҳли чет элларидан келган меҳмонларни табриклайди.

Леонид Леонов Горький ҳақида доклад қилади.

Бугун жаҳоннинг илғор жамоатчилиги, — деди Леонид Леонов, — ўзининг ҳурмати ва миннатдорчилигини ифодалаб, эсдалик гулчамбарини Максим Горький оёғи остига қўяди. Бу ном мамлакатимиз тарихининг бизга маълум бўлган даврида ҳаммани ўзига маҳлиё қилган, ҳеч шубҳасиз, энг буюк маданият арбобига мансубдир...

... Горькийнинг товушини чўзиб айтадиган сал-пал хириллаган йўғон овози халқ ҳам кулоғимизда жаранглаб тургандек сезилади. У ҳар бир жумланинг охирида, албатта, «хўш...» деб кўяр. Бу билан сухбатдошни кўтарилган мавзу устида тенг ҳуқуқли бўлиб гаплашиб, уни мулоҳаза қилишга таклиф этгандек бўларди: у ўзининг бакувват кўли билан кўлимизни сиқиб кўришганидан қолган қимматбаҳо ҳиссиётни ўзимизда ҳануз сақлаб келмоқдамиз... Шу тариқа ҳар сафар бизнинг ҳаёлимизга забардаст, баланд бўй ва ўзи тўплаган тажрибанинг оғирлигидан салгина энгашиб колган душманга ва дўстга мулоҳаза таниб бўлмас даражада бошқа-бошқа бўлган. Ўз позициясидан сира қайтмай заррача ҳам ён бермайдиган, хаттоки бундай пайтларда кадимий ошначиликни ҳам кўпинча юз хотир қилмайдиган киши гавдаланади. Лекин менинг шахсий хотирамда ундан қолган ва ёкимсиздай бўлиб кўринган мана шу таассуротнинг изларини унинг хатто баъзан жуда майдачуйда бўлса ҳам, ҳар қандай янгиликка меҳрибонлик билан ва ёкимтой кўз тикиб қарашидан қолган таассурот мукаррар босиб кетади, зеро буюк кашфиётлар марваридни энг кўримсиз кобиккa яширинишни яхши кўради. Горькийнинг ҳар қандай ва ҳамма фазилатлари бенихоя кўплиги мени ҳамиша таажжублантирарди, аввало Горькийга хос бўлган бир фазилат, у ҳам бўлса, одамларни янада тараққий эттиришга хизмат қиладиган диккатга сазовор бирор нарсани ҳамиша кидириш — ҳали формулада ифодаланиб улгурмаган ўткир илмий идеями, ёки ёш истеъдоднинг эндигина бўртиб келаётган куртагими, хуллас шу каби нарсаларни кидириш фазилати кўзга ташланиб турарди. У билан учрашган кишилар унинг шундай нарсаларни топганида худди ўзига бойлик топилгандек бениҳоя кувонганлигини ҳозир ҳам эслаб юрадилар. Дарҳакикат, мана шу кидиришдаги ҳар бир муваффақият унинг маслакдошлари сафини, ўзи онгли ҳаётга қадам кўйган чоғида эришишга қасамёд этган, ер юзида энг муқаддас деб ҳисобланган, ўзининг машаққатли тажрибасида синовдан ўтказган бош мақсад учун асло тўхтовсиз олиб борилаётган жангдаги сафдошларини кўпайтираверарди. Аслини олганда, мана шу мақсад учун хаттоки муштлашиб жанг килишга ўзи ҳам ҳар дақиқа тайёр эди.

Горькийнинг ҳаммага маълум бўлган асарларини санаб чиқмоқ учун менга берилган вақтни сарфлашни жуда бехуда деб ўйлайман. Бу асарларнинг ҳаммаси муайян ғояни ифодалаш эканлигини айтиб ўтишнинг ўзи муҳимроқ бўлса керак. Бутун ҳаётни тамомила ағдар-тўнтар килиб ҳайдашнинг буюк плани ўша узоқ йиллардаёқ тузиб қўйилган эди, мана шу планни рўёбга чиқаришда Горький ўша вақтда ўзи ўйлаган келажак учун кадрлар тайёрлашни ўз зиммасига олгандек ҳаракат килди. у ўйлаган келажак шопрона бўлиш билан бирга ҳайбатли ҳам бўлиши керак эди. бунга социал максадга мувофиқ бўлиш мантиқи такозо киларди. Бу келажак бутун рақамлардан ва кимёвий соф элементлардан таркиб топиши керак эди. Гарчи табиатда бўлмаса ҳам, шу соф элементларни топиш керак эди, бу янги келажак ҳар кандай турмушда учрайдиган ифлосликлардан бутунлай деярли мусаффо бўлган вазиятда, кейинги вақтларда сезилиб колган статистик огишлардан холи бир вазиятда бунёд килиниши керак эди... Хуллас, утопистлардан бошлаб ва ҳатто ўн беш аср муқаддам одилона ҳаёт тўғрисида, орзу қилинган энг олижаноб хомаки режаларда тасвирланган янги ҳаёт бунёд килиниши керак эди. Бинобарин, Горький килган ишларнинг ҳаммаси уни гуманистик янгиликнинг биринчи даракчиси, дебгина эмас, шу билан бирга, сифати тағин ҳам яхшироқ бўлган, бутун планетага экишга мўлжалланган, ғоят сара инсоний уруғликнинг селекционери ҳам бўлган, деб аташ учун тўла асос бера олади. Хозирча планетамизни бегона ўтлар билан аралашиб ётган инсонлар ўрнини Горький орзу килган ўша соф инсоний уруғлик эгаллаши лозим эди. Ер юзида, аслини олганда, энг олий бўлган мана шу лавозимни бажармоқ учун алоҳида сифатлар, яъни зўр катъиятга ва ўткир ахлоқий кучга эга бўлиш билан бир каторда мумкин максадга каратилган буюк иродага, хаттоки, инсон кудратига бўлган пайғамбарона ишончга эга бўлиши керак эди.

Л. М. Леонов Горький билан 1931 йилнинг баҳорида Италияда учрашганлигини хикоя килиб, буюк ёзувчининг «инсонпарварлик роли»ни ясашга ишлатиладиган материал сўзнинг ўзи, деб айтган фикрини, унинг декабристлар, революцион демократлар, сарой драматурги Нестор Кукольник тўғрисида айтган фикрларини эслайди: Горький портретининг белгиларини чизиб беради.

— Рўпарамда турган кишини, дейди нотиқ, — асосий инсоний фазилатларнинг танилган хаками ва ёнма-ён туриб штурм килайтган икки авлоднинг рахнамоси, — асрнинг гражданлик вазифаларини ифодалаб бериши ва монархларни ағдариб ташлаши лозим бўлган, ўзининг бекиёс шахсий фазилатларига карганда эртагаёк ер курраснинг раиси бўлишга арзийдиган устоз, — тинибтинчимаган новгородликлар зотидан бўлган кенг ягринли баҳодир, аммо ўзи Волга бўйидаги Нижний Новгородда туғилган, азамат волгаликлардан бири бўлган пахлавон дейиш мумкин ,ана шу пахлавон бамисоли тез чайкалиб оқаётган дарё суви каби мазкур волгаликларни тарихимиз дарёсининг сохилига олиб чикишда, Ленинга хамрох бўлди.

Адабий хизмат килиш ғоясини бамисоли кўприк каби ўн тўккизинчи асрдан бизнинг йигирманчи асрга Горькийнинг ўзи олиб ўтди. Бунинг окибатида ёзувчиларнинг ўзгариб бораётган Ватанимиз экономикасига актив аралашуви методи мана шу ғоядан келиб чикди ва бу метод социалистик экономиканинг модлий базасини тиклаш йилларида ғоят катта роль ўйнади. Маърифатчилар орасида энг буюги бўлган ва уларга хатто, кисман ёндошиб борган чоғда ҳам, Горький ўша махалда жуда озчиликни ташкил килган кишилар билан бирга иш олиб бораётганида, адабиётчи ёшлар орасида тузатиб бўлмайдиган шикастлар ва мажруҳликлар бўлишига йўл қўймай, адабий хўжаликни тўғри юритмоқ учун хар сафар санъаткорнинг ижодий хусусиятига уйғунлаштириб иш килиш кераклигини тушунарди.

Сўнгра нотиқ Горькийнинг ёш санъаткорларнинг ўзига хос хусусиятларини авайлаб тарбиялаганлигини ва Горькийнинг ўзи юксак санъат талабларини ўз асарларининг ижтимоий таъсирчанлиги билан доҳиёна пайванд килганлигини гапириб ўтди. Бу санъаткорнинг ижодий махсули воқеаларга бой бўлган ўз асрининг таржимаи ҳоли билан чамбарчас боғланди ва хаттоки, бир-бири билан чирмашиб кетди. Айрим ҳоллардан қатъий назар, унинг ижодий йўли революция йўли билан ёнма-ён бўлиб борди. Россия эса мана шу революция йўлида мамлакатларнинг тезлиги билан ўзининг оташли келажагига бораверди. Яна шуни ҳам айтмоқ керакки, Горькийдаги мана шу икки йўлдан кай бири кучли бўлганлигини хеч ниманинг андишасига ёки бормайдиган замонининг ўзи кўрсатиб берсин; ҳар ҳолда мана шу икки йўлнинг бир-бирига уйғун бўлиб кўшилиши Горький шухратининг тиқ парвоз килишини ҳам белгилаб берди... 93-йилдагина Горький Короленко билан учрашади ва сўнгра фотиҳаномаларни ўқиб, савод чиқарган бу зот учун табиий бўлган йўл бошланади, яъни Горькийнинг ўз адабий каламини синаши ва газеталарда ишлаш билан бирга асарлар ёзишни тажриба килиб кўриши етти йил тўхтовсиз давом этади. Аммо, у ёзган биринчи ҳикоялар ўша замонда мисли бўлмаган жуда кўп нусхада, юз минг нусхада босиладиган бўлиб қолади. унинг «Мешчанлар» деган пьесаси йигирма беш минг нусхада босиладиган ва икки хафта ичида сотилиб бўлади, яъни хомталаш бўлиб кетади. Ўз замондошларининг аклини чексиз маҳлиё килиб кўйган мана шу биринчи асариданоқ сўнг, жаҳондаги ҳамма саҳналарда бирма-бир кўрсатилиб чиккан, шу кунгача ҳам томошабинларга бенихоя маъзуз бўлиб келаётган «Тубанликда» пьесаси пайдо бўладики, бу классик пьеса Горькийнинг шох асаридир. Горький ўттиз тўрт ёшга етганида, ўзининг энг машҳур ўтмишдошларидан ўзиб кетиб. Россия адабиёт академиясининг фахрий академиги бўлиб колади, аммо кейин бу унвонни ундан олиб ташлашдан иборат бўлган машмашалар Горькийнинг шухратига-шухрат кўшади, холос, тўккизинчи январдан кейин унинг иккинчи марта камокка олинганлиги эса, бутун Европада норозилик бўронини кўзготиб юборади. Горький ўттиз саккиз ёшида чет элларда — Швеция, Дания, Германияда тантанали шухрат козонди, кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, у, чет мамлакатларда туриб, чор ҳукуматига карши очиқ сиёсий курош бошлайди... Нихоят у, сарик иблис мамлакати бўлган Америкада ҳам шухрат топади, у ерда етмиш яшар Твен машҳур мехмони шарафлаш комитетига бошчилик килади, уни шарафлаш маросимини ўтказиш имкониятини гарчи рўёбга чикмаган бўлса ҳам, аммо шундай комитет тузилганлигининг ўзи зўр шараф эди. Россия ва жахоннинг какраб колган заминни эса, хаётбахш ёмғирга ғоят мушток эди.

Лекин пешкадам фанларнинг хулосаларига хилоф бўлса ҳам, Горький ўша даргохдан бизнинг мана шу кечамизга назар сола олганда эди, — деб давом килди нотиқ, — унинг: мен бутун диккат-эътиборимни ҳакикий санъаткорга хос асосий вазифани бажаришга етарли равишда тўплай олмадим деган гумонини рад этмоқ учун далилдар кўрсатиб бера олган бўлур эдик. Биз унга, дохийнинг рўёбга чикарилмай колган орзуси тўғрисидаги афсуси ўзи килган ишларнинг миқдорига тўғри мутаносиб эканлигини айтган бўлур эдик.

Биз унга қойил қолган танқидчиларнинг ҳамма ёзган нарсаларини якундаб берган бўлур эдик — унинг ҳикматли тафаккури ва кенг доирани қамрай оладиган зийрак кўзи, унинг таассуротларини ниҳоят даражада ўткир ташбиҳлар, оҳанглар, мазмундор паузаларда ифодалаб бериш кобилиятининг чуқурлиги тўғрисида, лекин аввало, унинг тасвир-тавсифлари накадар нозик ва ифодали эканлиги тўғрисида, шунингдек Горький тилининг чашмэ сувидек мусаффолиги тўғрисида, шу билан бирга, у ўзининг мана шу маънодор тили билан Россиянинг маърифатли юкори табакаларигина эмас, шу билан бирга халқ оммасини ҳам мафтун килганлиги, зотан, унинг ўзи асосан мана шу халқ оммасига атаб ёзишга интилганлиги тўғрисида баён килинган фикрларнинг хаммасини бирма-бир якунлаб берган бўлур эдик.

Сўнгра нотиқ адабий асарлардаги ҳам ижобий, ҳам салбий образларнинг тарбиялочи ролини тасвирлаб ўтади. Шундан сўнг у, ўтган асрдаги рус адабиёти тўғрисида ўйлаб кўйган фикрларини айтиб беради. Горький асарларига шарҳ ёзганликлари учун ҳам кўпинча унут дарёсига ғарқ бўлмай колган генгдошлар ва каламкашларнинг койил бўлиб килган эътирофларидан ташкари учга замондош бўлган ва Ғарбда яшаб ижод килган буюк зотларни Роллан ва Уэльсдан тортиб Гамсун ва Цвейгача бўлган зотларнинг Горькийни хурматлаб унинг хакида берган баҳоларини эслатиб ўтган бўлур эдик.

Леонид Леонов нуткининг охирида бундай деди:

— Биз иштирок кила олмайдиган навбатдаги юз йиллик ҳам ахир бир кун келар. Ўшанда ҳам ҳудди мана шундай кеча ўтказилар. Ўшанда бошка кишилар, хали дунёга келмаган, хали туғилмаган кишилар мана шу залда сизларнинг ўрнингизни олиб ўтиришар, лекин уларнинг вакти канчалик бебаҳо бўлмасин, аммо улар вақт-вақти билан сиз билан бизни эслаб кўйишлари тўғрисида гап, зероки биз улар учун деб, эртаги келадиган авлодларимиз учун деб, не-не хаётимизни, қайнок теримиз ва илҳомимизни сарфлаганмиз-ку. Улар буюк жангларнинг, жаҳоншумул курашларнинг ва таваррук маконга олиб борадиган йўлда дам олиб ёқилган гулханларнинг сўниб бораётган алангаси липиллаб турган бизнинг асримизга кайрилиб караганларида, ўша асрнинг яркираб турган осмонида Максим Горькийнинг энгашиброк турган гавдасига хам кўзлари тушиши турган гап... Ўшанда у, кўлини кўксига кўйиб туриб, ўзига хос истехзоли жилмайиш билан назар солиб ва тикилиб караб, тобора олга бораётган авлодларни кўздан кечиражак. Зероки, нотиқ, шоир, исёнкор, инсонларнинг отаси ва мураббийси бўлган Горький ана шу авлодларга асстойдил ишонади.

Залдагилар Горький тўғрисидаги докладнинг автонни олкишлайдилар. Кремлнинг Съездлар саройи гумбазлари остида революция бўрон куши тўғрисида янги нутклар, янги хаяжонли сўзлар жаранглаб эшитилади.

Сўз Леонид Соболевга берилади:

— Синфий, тоифавий, мешчанлик ва хусусий мулкчилик жамияти шароитида, самодержавиенинг шафқатсизлиги ҳукмрон бўлган вазиятда халқнинг қуйи табақалари орасидан чиққан бу кишини бутун халқ ва бутун дунё танинди. У ўзига хос жуда катта истеъдод соҳиби бўлган адиб эди, унда одамларнинг кўнглини ва фикрини чуқур билишдек фавқулодда салоҳият бор эди. Шу билан бирга у, бунёдкорлик ишларини бажариш қобилиятига эга бўлган ходди шундай фавқулодда ғайратли ташкилотчи эди...

Алексей Максимович Горький мана шундай зот эди.

Нотиқ уқтириб айтдики, А. М. Горький ёш Совет давлатининг бўлажак маданий қудрати учун жуда кўп замин яратиб берди, СССР Ёзувчилар союзининг илҳомчиси ва яратувчиси бўлди, совет адабиёти ўтмишдаги ва ўз замонидаги ҳамма адабиётлардан нималар билан фарқ қилганлигини: Совет адабиётининг кўп тиллилигини, интернационал қудратини, хилма-хил анъаналари, формаларини ва кўп тилли адабиёт бўлгани ҳолда асосий идеясида бирлик борлигини биринчи марта жаҳонга очиқ кўрсатди.

Шу билан бирга у фашизмнинг йиртқичлик фалсафаси бизнинг кўҳна ер куррамизга қандай ларзалар солишини олдиндан билиб, планетамизнинг машҳур маданий арбобларига: «Сизлар ким билан биргасиз, маданият усталари?», деб чин кўнгилдан чиқариб тўппа-тўғри савол берди.

Л. Соболев Горькийнинг орзуси рўёбга чиққанлиги — Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги тўғрисида гапириб дедики, капиталистик дунёда ирқий айирма инсоний иззат-нафсини ҳали ҳам таҳқирлаб турибди. Планетада камситилаётган миллатлар ва қабилалар, арий фашизмининг манфур сарқити — тоза ирқу, жирканч ирқ, деган гаплар ҳозир ҳам бор. Зўравонлик урушлари бўлиб турибди. Грециянинг ҳарбий ҳукмронлари ишчиларни ҳам, деҳқонларни, зиёлиларни ҳам турмаларга тиқиб қўймоқдалар. Исроил агрессорлари араблари ҳали ҳам ўлдирмоқдалар.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг халқлари, деди пировардида Леонид Соболев, тинчлик ва халқлар дўстлигини, озодлик ва тараққиётни қаттиқ қўриқлаб турибдилар. Алексей Максимович Горький мана шуни орзу килган эди ва шу орзуни рўёбга чиқармоқ учун курашиб келган эди.— Ўзини одам деб аташдек юксак ҳуқуқ соҳиби бўлган кишиларнинг ҳаммаси учун унинг номи абадий табаррук ном бўлиб қолсин!

Микола Бажан минбарга чиқади.

— Буюк ёзувчи, деб гап бошлади у, ўзининг буюк халқи билан чамбарчас, ажралмас бўлиб боғланган эди, унинг қудратли бутун қалби ана шу буюк халққа бахшийда бўлди. Битмас-тугамас ва хилма-хил жилваланиб турган турмушга ўзининг бутун вужуди билан берилган Горький ўз жонажон юрти Россиянинг ҳаётига айниқса диққат ва эътибор билан, чуқур талабчанлик билан назар соларди. У... «Мен кўриб турган рус халқи... фавқулодда, фантастик тарзда талантли, фавқулодда қобилиятли халқ...», деб ёзган эди ва «мана шу ажойиб халқ» эртаклардагидек қаҳрамонона ҳаёт кечириб яшайди, ҳам чарчаган, ҳам жиноятлар қила бериб аҳлдан озган бу дунёга кўп нарсаларни ўргатади, деб олдиндан башорат берган эди.

Украинлар учун, деб таъкидлади нотиқ, Горькийнинг номи жонажон ном, унинг сўзлари — жонажон сўз. Горький ўзининг ёзувчилик ва ижтимоий фаолиятини бошлаган куниданоқ Украина билан боғланган эди, Украина тўғрисида, унинг одамлари ҳақида кўп ёзди. Уларнинг социал ва миллий ҳуқуқларини ҳимоя қилди, улар маданияти, тили, адабиётининг эркинлиги учун курашди.

Горький бизнинг фақат ифтихоримиз ва кучимизгина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга бизнинг таянчимиз ҳамдир. Горький бутун илғор инсониятники, лекин у аввало Россиянинг улуғ фарзанди. У аввало, Ватанимизнинг фарзанди. У аввало бизга, совет халқларининг қизлари ва ўғилларига якин ва азиз зот.

Горькийдаги «Красное Сормово» заводи электр пайвандчиларининг бригадири Вячеслав Пайшчиков сўзга чиқиб бундай деди:

— Бизнинг шаҳримиз жаҳонга жуда буюк пролетар ёзувчисини етиштириб берганлиги билан фахрланамиз. Бизнинг Нижний Новгород шаҳримизда Алёша Пешков турмушга биринчи қадам қўйди, машаққатли ёшлиги шу шаҳарда ўтди, малай бўлиб ишлаб, камситилиб кўн қулфатларни бошидан кечирди.

Мен ўзим сормоволик бўлганлигим учун Алексей Максимович заводимиз ишчилари билан якин алоқада бўлганлигига, уларнинг революцион қураши «Она» номли ўлмас қиссада акс эттирилганлигига айниқса хурсандман.

Горький 1928 йилнинг ёзида сормоволиклар митингида сўзлаган нутқида меҳнатдаги муваффақиятларимизнинг улуғлигига қойил бўлиб гапирган эди. У партиямизнинг донишмандлиги тўғрисида гапириб, унн бизнинг миямиз, бизнинг кучимиз, бизнинг бирдан-бир ҳақиқий йўлбошчимиз, деб айтган эди.

Алексей Максимовичнинг жонажон шаҳри ҳозирги кунда Совет Иттифоқининг энг катта саноат ва маданий марказларидан бири бўлиб қолди.

Биз сормоволиклар заводимизнинг революцион ўтмиши билан фахрланамиз, унинг меҳнат шуҳрати билан фахрланамиз, бу шуҳратни кўпайтирмоқдамиз.

Николай Тихонов сўзга чиқади:

Инсониятнинг бутун прогрессив кучларини, ер юзидаги барча соф виждонли кишиларни тинчлик ва демократия учун, ақлдан озаётган империалистларга қарши курашда Совет Иттифоқи бирлаштириб турган ҳозирги вақтда, деди у, Максим Горькийнинг оташин сўзи жаҳонга ҳукмрон бўлишга уринаётган янги даъвогарларни шарманда қилиб, яна зўр қудрат билан янграмоқда!

Совет кишилари Горькийнинг васиятларини бажариб, ўз вақтида у баланд кўтарган ва ўзи умрбод барқарор қилган инсонпарварлик байроғи остида туриб ҳормай-толмай ҳаракат қилмоқдалар.

Максим Горький инсоният шонли келажагининг даракчиси бўлган бўрон куши бўлди, келажак революцион бўронлар шоири бўлди, чинакам янги инсонниг, социалистик дунё бунёдкори бўлган инсоннинг жаҳонга келишини куйлаган шоир бўлди.

Чингиз Айтматов ўз нуткини Горькийнинг ижодий тажрибасига, Горькийнинг традицияларига, бу традициялар Совет адабиёти ва санъатининг негизи ва принципи бўлиб қолганлигига бағишлади. Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда ҳозирги профессионал адабиётлар вужудга келганлиги, дейди сўнгра Чингиз Айтматов, мислсиз маданий ва социал тараққиётнинг ифодаси бўлди. Бизнинг бахтимиз ҳам шундаки, халқ тақдиридаги ўзгаришларни фақат сиёсий жиҳатдангина эмас, балки бадиий жиҳатдан ҳам англаб олишлари лозим бўлган биринчи ёзувчиларимиз адабиёт йўлига тушишлари билан Горькийга дуч келдилар.

— Горькийнинг пьесалари, деди СССР халқ артисти Алла Константиновна Тарасова, мамлакатимиз ва чет эллардаги театрларнинг деярли ҳаммасида қўйилмоқда. Шу пьесаларнинг мамлакатимиз театрлари саҳнасидан асло тушмаслигини истар эдим! Бу пьесаларни кетма-кет келаётган авлодларимизнинг ҳаммаси билиши ва кўриши лозим.

Қайсин Қулиевга сўз берилади:

Нотиқ дедики, Горький Кавказни севар ва тушунар эди. Буюк рус шоирлари учун кўп қадрли бўлган Кавказда Горькийнинг биринчи ҳикояси чоп қилинди. У Кавказ халқлари адабиётининг ўсишини умрининг охиригача ҳар бир янги китобга, ҳар бир янги қўлёзмага, адабиётдаги ҳар бир янги номга астойдил қизиқишни тарк этмаганлигини гапириб ўтди.

Одамларга ва уларнинг бениҳоя ишонган, саҳий қалб соҳиби бўлган Горький янги ва порлоқ нарсаларнинг ҳаммасини кўрганида ажойиб даражада шодланишни, «Бизнинг рус элимиз жаҳонининг энг сердавқ жойи» эканлигига қатъий амин бўлиб адабиётни севишни ва унинг ўсишидан кувонишни бизга ва адабиётга кириб келаётган ёшларга мерос қилиб қолдирди.

* * *

Мажлисда жаҳон тинчлик кенгашининг аъзоси, покистонлик шоир Файз Аҳмад Файз, Болгария Ёзувчилар союзининг раиси Георгий Жагаров ҳам сўзга чиқдилар. (ТАСС).

Тўйхат ўрнида

ПЕДАГОГ ВА АКТЁР

Педагог ва актёр! Шу икки сўз замирида қанчадан-қанча ҳаяжон, ташвиш, қувонч ётади. Шу икки касб соҳиблари бундай шарафли номга сазовор бўлиш, бу муқаддас вазифани сидқидилдан адо этиш учун қанчадан-қанча кечаларни бедор ўтказиб, ўз устларида ишлайдилар, изланадилар, ўқийдилар, ўрганадилар, шу билан тажриба ва билимларини янада бойитадилар.

Ҳар икки соҳа мазмунан бир-бирига жуда яқин. Ҳар иккисининг ҳам вазифаси бир — ёш авлодни, кишиларимизни коммунистик руҳда тарбиялашдир. Агар шу икки фазилат бир кишида шаклланса-чи, унда нур устига аъло нур бўлади.

Учқун Раҳмонов ана шундай икки касб соҳиби. Учқун ака ўз бахтини шу икки касбдан топди. Шу икки соҳада ўз тақдирини, келажагини, ҳаётининг мазмунини кўрди. Бугун Учқун Раҳмонов ҳаётида унутилмас воқеа — унинг 50 ёшга тўлгани нишонланяпти. Шундай кунда босиб ўтилган ҳаётий, ижодий йўлга бир назар ташлаш ўринли бўлур эди.

Наманганн

САБЗАВОТЧИЛАР ВА БОҒБОНЛАР РЕЖАСИ

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимиз фаровонлиги, тани-соғлиғи йўлида ҳаммавақт оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Қандай тадбир амалга оширилаётган бўлса, ана шу мақсад кўзда тутилиб қилинмоқда.

Инсон саломатлиги аввало унинг истеъмол даражаси билан ўлчанади. Ҳозирги пайтда ҳар бир совет кишисига зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини мўл-кўл етказиб бериш йўлида муҳим ишлар қилинмоқдаки, бу соҳада деҳқонларнинг хизмати катта бўлаётир. Областимизда пахтачилик билан бир қаторда сабзавот, картошка ва мева, узумни кўпайтириш учун астойдил ҳаракат қилинаётир.

Яқинда область партия комитети мажлислар залида бўлиб ўтган сабзавотчилар, боғдорларнинг кенгашида энг муҳим масала — халқимиз дастурхонини сабзавот, картошка, мева-чева, қовун-тарвуз ва шу сингари маҳсулотлар билан мўл-кўл қилиш масаласи кеҳ муҳокама қилинди. Кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов** очади. Кенгашда хўжаликларнинг раҳбарлари, олимлар, сўзлаб, бу йўлда қандай ишлар қилиниши зарур ва нималарга эътибор берилиши, батафсил гапирдилар.

Сабзавотчилик ва полизчилик илмий-текшириш институтининг директори **И. Каримов** бундай деди:

Сабзавотчилик хўжаликларида меҳнатни ташкил этишда прогрессив усуллар жорий этилаётганлиги, механизатор ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги кўзлаб иш қилинаётганлиги, ер-сувдан самарали фойдаланиш, ҳосилдорлик ва маҳсулотлар сифатини ошириш, ҳосилни тўла қабул қилиб олиш учун ҳозирги кунда барча тадбирларни кўрмоқдамиз.

— Пиллачилар, — деди ўртоқ М. Ганиева, — жуда масъулиятли даврга кираётирлар. Чунки март ойининг ўртасида бўлган совуқ тутларни маълум даражада зарарлади. Пилла қуртининг озуқа базаси бўлган тутларни сер-барг бўлиши учун дарҳол тутзорларни ўтказишимиз, янги тамали тутлар атрофини юмшатиб, озуқлантиришимиз, қондириб суғоришимиз керак.

Кенгаш қатнашчилари беш йиллиқнинг учинчи йилида областимиз бўйича мўл-кўл сабзавот, қовун-тарвуз, мева ва узум етиштириш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажарамиз, деб қарор қилдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.



ЛОЛА ФАСЛИ

Димоғларда чечак иси,
Яна келди гул фасли.
Фаслларнинг ёқимлиси,
Севимлиси шу асли.

Чексиз қирлар қучоғида
Юз очмиш ҳархил лола.
Ўхшар қизлар ёноғига
Оқ лола, тарғил лола.

Кўзларингни олар бирдам
Ял-ял арғувон лола.
Лола ўсар тош, қумда ҳам,
Ҳар томон, ҳарён лола.

Лола фасли, лола фасли,
Юринг лола терайлик.
Она диёр кўрку васлин
Тўйиб-тўйиб кўрайлик.

Хайриддин САЛОҲ.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ АНГЛИЯГА САФАРИ

Совет журналистларидан бир группаси Англия бўйлаб туристик саёҳатга отландилар.

Журналистлар группаси составида Ўзбекистонлик ёшлар матбуоти вакиллари ҳам бор. Булар «Ёш ленинчи» газетаси редакторининг ўринбосари М. Аҳмедов, «Комсомолец Узбекистана» газетасининг масъул секретари К. Яковлева, «Гулча» журналининг редактори А. Бўрибоев ҳамда «Ленинский Ташкент» газетасидан А. Боронилардир.

Совет журналистлари июн ҳафта давомида мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида бўладилар.

ҒИЙБАТ БАНДАСИ

Кечга яқин Адашвойнинг нафси қайтадан ҳаракатга келиб кетди. Чалишган оёқлари уни судраб, тўғри магазинга етаклаб кирди. Шундан кейин яримта «обизам-зам» олиб, қўйнига тиқдими, прилавканинг устига қўйдими, ёш магазинчи тушмагур кўзбойлаганч қилдими, биролмасдан дорда қолди.

Ё тавба, ютиб олгандан кейин кайфини чоғ, юрагини шер қилиб юборадиган «обизам-зам»и ерга кириб кетдими, осмонга учиб кетдими!

— Ҳай магазинчи, ҳазилингни қўй, бўлмаса оқибатини ёмон қилиб юбораман!

— Қўлингизга узатдим-ку, Адашвой, ёнингизда ғайиларингиз турувди, адашингиз ҳам шу ерда эди, эҳтимол ҳазиллаш...

— Ҳа-а! Адашим? Мен унга ҳозир кўрсатиб қўяман. Мен билан ҳазиллашадиган ҳали туғилган эмас.

Орадан зум ўтгани йўқ. Ташқарида шовқин-сурон кўтарилди:

— Яримтамни ўғирлаган ҳали сенмисан?

— Яримтангни бошимга ураманми!

— Бошимга уролмайсан, мен сени бошингни ейман!

— Ҳай одамлар, яна бунинг жазаваси қўзғапти-ку, еб ташлайман деяпти, ёрдам берингилар!

Йиғилганлар Адашни Адашвойнинг чангалидан тортиб олишганларида иккала «жўжаҳўроз» ҳам ҳолдан тойишганди. Адаш энтиқиб-энтиқиб нафас олса, Адашвой ҳали ҳам кекирдагини чўзиб-чўзиб, тилини ҳақорат балчиғида қалтиратарди.

Яримта «обизам-зам» учун майдонаро бошланган жанг уч кун давом этиб, ниҳоят Адашвой Турсунбой ўғлининг қўли устунлиги билан унинг фойдасига ҳал бўлди: медицина хулосасига кўра Адашвой енгилроқ. Адаш Ассо ўғли сал оғирроқ жароҳат топди. Бу воқеа ўтган йилнинг ўн биринчи октябрида 459 рақамли акт билан ҳисобга олиб қўйилди.

Адашвой уйига етиб келди-ю, алламаҳалгача тўлганиб ётди. Кўзи илинди, қаршисида адаши пайдо бўларди, томоғига қўл чўзарди:

— Сенинг қўйдоқда теккан касалинг бор экан. Ҳамма кирдикорингни ҳозир бирма-бир юзингга айтаман, — дерди адаши, — ўтган йилнинг июнида Дадабоев қишлоқ Советининг секретари Деҳқоновнинг ҳузурига кирганинг эсингдами? Бурнингдан торгса йиқилгудек маст эдинг ўшанда. Ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, Деҳқоновни авра-астарини ағдариб, ҳақорат қилдинг. Ажаб бўлди, жазангни тортиб ўн беш кун камерада ётдинг!

— Бўлди, ба-ас, томоғимни қўқўйиб юбор!

— Шошилмай тур ҳали, бердисига қулоқ сол «эўравон». Ўтган йилнинг февралида кўзингни қизартириб мактабга келдинг. Болаларга сабоқ берганими, йўқ. Физкультура ўқитувчиси эканлигинги ни бошқаларга кўрсатдинг. Касбдошларинг Назаров билан Раишевни ҳақорат аралаш биқинига туширдинг, боксчи! Ахир улар сенга ҳеч қандай гуноҳ қилишмагандик-ку? Жуда соз бўлди. Ўшанда касаба союз умумий йиғилиши счёт карточкангга ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан берди. Шундан кейин ҳам ақлинг кирмади-да, бебош!

— Адаш, шар-шарманда қилма, ахир адашимсан-ку!

— Хонаси келдими, энди сен ҳам бир нафас тишингни-тишингга қўйиб тур. Бегуноҳларга озор бериш қанақалигининг «шарбатини» татиб кўр. Ўтган йилнинг ноябрида Рўзимат аканинг уйи ёнида квирсиб юрганингни айтаман. Ўзингни учта хотининг бўлатуриб, унинг покиза хотининг зўрламоқчи бўлдинг. Яхшики, Рўзимат ака олдинироқ сенинг башарангга туфурди. У туғилган қишлоғидан сенинг кўрсатмоқчи бўлган «каромат»инг туфайли кўчиб кетишга мажбур бўлди. Шу кирдикорларинг учун район маориф-чиларининг катта йиғилишида райком секретари одам бўларми-кин, деб қитиғингга тегиб ўтди. «Коммунизм тонги» газетаси кўпгари ҳам ичво хати ёзишнинг мазасини бир-икки татиб кўрганда. Ўшанда юздаги ниқоби йиртилишига озгина қолган эди. У қанақа ичво денг?

«Нанайдаги 97-ўрта мактабнинг директори еб кетди, ичиб кетди»дан иборат эди. Шу хат юзасидан Оржоникидзе район партия комитети бўлим мудири Рустамов, бюджетлар бўйича молия инспектори Покровская билан Дьяченко, маориф бўлимининг бухгалтер ревизори Михайловский ва бошқа ўртоқлар текширишга келишди. Қараса бўлмайдиган. Адашвой ишкал чиқарди. «Рустамов сотилган» деб ичво кўтарди.

— Ҳа, Рустамов мактаб директоридан 50 кило асал, бир машина сабзи пора олган, — деб қишлоқ Советининг секретари Деҳқоновга ўўқира бошлади.

Ҳақиқат эгилса ҳам синмас экан. Адашвойнинг адашганлиги исботланди.

Турсунбой ўғли мана шу ҳақда ўйлаб, бир оз дили гашланди. Кейин «ётиб қолгунча отиб қол» — деди дадиллашиб ўзига-ўзи. «Шундай фактларни тахлаб ташлайки, пири келганда ҳам калаванинг учини тополмасин».

ФЕЛЬЕТОН

зингни оч, деб даъват этди. Афсус, ҳали ҳам кўзинг очилмаган экан-да, хотинбоз!

— Вой дод, хо-хонам куйди, — Адашвой ўз овозидан чўчиб кетди...

У ўтган йилнинг биринчи ноябридан йигирма тўққизинчисигача, иккинчи декабрдан йигирма бешигача ТошМИда ўз касали билан ётди. Кейин адашим Ассоев берган зарбадан кейин шундай бўлиб қолдим, деб даъво қилди. Йўқ, ҳақиқат қарор топди. ТошМИдан берилган справка, суд-медицина хулосаси унинг даъвосини чиппакка чиқарди. Ана шунда ҳам у қанчадан-қанча одамларнинг бошини қотирмади дейсиз, қанчадан-қанча ташкилот ходимларини ишдан қолдирмади, дейсиз!

Тўсатдан Адашвойнинг миясида бир фикр чақмоқ чақиб юборди. У иргиб ўрнидан турди-ю, рўбарўсидаги жаҳолат курсисига ўтирди. Ичво дафтарининг навбатдаги қатини очди-да, қаламининг учини найзалади.

— Ўйнашмагил арбоб билан, арбоб урар, ҳар боб билан. Ҳей адаш, сен шуни билиб қўйки, мен кимсан педагогман. Устингдан шундай қотириб ёзайки, афсалосўфинга кетганлигингни билмай қолгин, — унинг кўзлари чақнади. Оқ қоғоз бетига биринчи қора сатр терилди. «Адаш Ассоев учига чиққан ўғри...»

Шундан кейин у бироз ўйланиб қолди. Икки қоши устида тугунча пайдо бўлди. Ахир Адашвой илгари ҳам ичво хати ёзишнинг мазасини бир-икки татиб кўрганда. Ўшанда юздаги ниқоби йиртилишига озгина қолган эди. У қанақа ичво денг?

«Нанайдаги 97-ўрта мактабнинг директори еб кетди, ичиб кетди»дан иборат эди. Шу хат юзасидан Оржоникидзе район партия комитети бўлим мудири Рустамов, бюджетлар бўйича молия инспектори Покровская билан Дьяченко, маориф бўлимининг бухгалтер ревизори Михайловский ва бошқа ўртоқлар текширишга келишди. Қараса бўлмайдиган. Адашвой ишкал чиқарди. «Рустамов сотилган» деб ичво кўтарди.

— Ҳа, Рустамов мактаб директоридан 50 кило асал, бир машина сабзи пора олган, — деб қишлоқ Советининг секретари Деҳқоновга ўўқира бошлади.

Ҳақиқат эгилса ҳам синмас экан. Адашвойнинг адашганлиги исботланди.

Турсунбой ўғли мана шу ҳақда ўйлаб, бир оз дили гашланди. Кейин «ётиб қолгунча отиб қол» — деди дадиллашиб ўзига-ўзи. «Шундай фактларни тахлаб ташлайки, пири келганда ҳам калаванинг учини тополмасин».

«Ғазалкент шаҳар милицияси га»... шу сатр ёзилганда кўзи ўнгида яна адаши пайдо бўлиб қолди:

— Шошма, ёзишингдан аввал сенга яна бир нарсани равшан қилиб қўяй, — Адашвойнинг қулоқлари остида даҳшатли овоз жаранглади,— яримта «обизам-зам»инг учун эмас, муштлашганинг учун эмас, йўқ, сен бутунлай бошқа нарса учун мендан ўч олмоқчисан. Менга қўл кўтаришингдан бир кун олдин пастқам жойга чақирдинг. «Победа» машинам қоникмаяпти, «Волга» минмоқчиман, 500 сўм пулдан чўз» дединг. Мен рози бўлмадим, ортиқча пулни қаердан ҳам олардим. Сен бўлсанг «агар топиб бермасанг ўғри деб энг юқорига ёзаман» дединг. Осмон қўлингда бўлса ташлаб юбормайсанми, ғийбат бандаси!

— Ташлаб юбораман, — бақирганини билмай қолди Адашвой.

Шундан кейин ичво дафтарининг қатлари кетма-кет очила бошлади.

«... «Правда» газетаси 50 йиллиги» совхозининг ферма мудири Адаш Ассоев ўғри, совхоз молларини четга сотади. Семизини ориққа, зотлигини жайдарисига алмаштиради. Йигирмата қўйни еб қўйган...»

Шундай қилиб, ўтган йилнинг 10 октябридан бошлаб Адашвой жаҳолат ва ғийбат курсисидан жилмай қолди. «13 октябрь. Республика прокурорига». «30 октябрь. Оржоникидзе район прокурорига», «21 ноябрь. Тошкент область прокурорига», «7 декабрь. Республика жамоат тартибини сақлаш министрлигига»... Мана, шунақа. Биринчисидан жавоб кутмай, иккинчисига хат жўнатиб турилди. Эҳ-ҳе, Адашвой қанчадан-қанча кишиларни оёққа турғазмади. Ўнлаб текширувчилар, ўзи ўйлаб топган ўнлаб гувоҳлар, чўт қоқишлар, юзлаштиришлар, сўроқлар...

— Йўқ, — деди Адашвой, — ғар гуноҳ қилгучи бўлсанг, бир йўла улгуржи қил, яна юқорироқ-ка интиламан.

Бироз таниффусдан кейин яна ичво қоғозлари ҳар тарафга уча бошлади. «18 декабрь. «Известия» газетасига», «21 декабрь, иккинчи марта ЎзССР Олий Совети Президиумига», «Совет Ўзбекистони» газетасига», ниҳоят «28 декабрь, СССР прокурорига»...

Комиссиялар иш бошлаб юборишди. Область жамоат тартибини сақлаш бошқармаси милиция капитани Ҳолдорбеков, «Ташвинсовхоз» трести бухгалтер ревизори Мишенко, «Бўзсув» совхози зоотехники Сергеев, 11 совхоз директори Сулаймонов, шу совхознинг бухгалтери Саидаҳмедов ўртоқлар Адашвой Турсунбой ўғли билан Адашвой Ассо ўғли иштирокида даъволарни бир-бир кўриб чиқишди. Неча кунлар тинимсиз, неча кунлар уйқусиз ўтди. Прокурорлар, терговчилар, милиция ходимлари, қалбаки гувоҳлар... Қанчадан-қанча кишилар Адашвойнинг аризаси кетидан овора.

Натижа нима бўлди денг? Шу йил 18 январь куни якун чиқарилиб, акт тузилди. Синчиклаб, чуқур текширувдан кейин совхоз молларининг ҳаммаси жой-жойида эканлиги аниқланди. Семизи оригига, зотлиси жайдарисига алмаштирилмаган. Баъзи алмаштирилганлари совхоз дирекциясининг рухсати билан ферманинг фойдасини кўзлаб қилинган. Адашвой ғийбат хатларида «Ассоев йигирмата қўйни еб қўйди», деб ёзган эди. Аниқланишича тўртта совлиқ, 14 та қўй совхознинг иккинчи бўлими ишчиларига умумий овқат учун берилганлиги илгари тузилган актдан маълум бўлди.

Адаш Ассоев етмиш ёшга яқинлашиб қолган юраги тоза одам. Пенсияга чиққан. 1944 йилдан бери партия аъзоси. Актив жамоатчи, узлуксиз меҳнат қучоғида тобланиб келган.

Адашвой Турсунбоев-чи? Унинг тўғрисида ортиқча тафсилотнинг ҳожати йўқ. Адашвой ўзининг ғийбат бандаси эканлиги билан бировларнинг оёғига болта урмоқчи бўлди. Лекин, адолат ва ҳақиқат ундан устун келиб, бунга йўл қўймади. Унинг ичво дафтарларини парчалаб ташлади.

Ғийбат бандаси, педагог деган номга доғ туширимоқчи бўлган Адашвой Турсунбоев, ўз доғинг, ўз юзингда қолсин!

Усмон ЖОНГИТОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

КЕЛИН-КУЁВЛАР КУРСИ

Колумбияда шундай тартиб бор: турмуш қуришни истаган йигит ва қизлар психология ва гражданлик ҳолати бўйича уч ойлик курсда ўқишлари керак. Курс тамомлангач, тингловчилар имтиҳон топшириб, гувоҳнома оладилар. Агар ана шу гувоҳнома кўрсатилмаса келин-қуёвни рўйхатдан ўтказилмайди.

СЕРФАРЗАНД ОИЛА

Югославияда чиқадиган «Борба» газетаси шундай хабар босиб чиқарди: Бразилиялик аёл Карнаубо 14 ёшида турмушга чиққан экан. Ҳозир у 42 ёшда. Яқинда Карнаубо ўттиз иккинчи фарзанд кўрди. Бу катта оиланинг 25 фарзанди ҳозир ҳаёт. Карнаубо ва унинг эри ўзларини бахтиёр ҳисоблайдилар: уларнинг ҳозир 30 невараси ҳам бор.

ЧАҚМОҚНИНГ ҲАЗИЛИ

Бу воқеа Венада бўлган. Чақмоқ кўча чеккасида турган машинанинг антеннасига келиб урилади. Шунда кутилмаган воқеа рўй беради: токнинг кучли разряди стартерни ишга солади—машина кўча бўйлаб юриб, бир уй деворига бориб урилиб пачақланади.

ДЕНГИЗ СИРИ

Адриатика денгизида — Кафалем ороли нинг ғарбий қирғоғи яқинида одимлар денгизнинг тешик жойи борлигини билиб қолдилар. Ҳисобларга қараганда, ҳар суткада 30 минг тоннага яқин сув шу тешикка кириб «ғойиб» бўлади. Одимлар сувнинг чиқиш жойини билишга уриниб кўриш ди: бунинг учун сувга ҳаммаси бўлиб 130 килограммга яқин бўёк ва кичик-кичик думалоқ пластинкалар ташлаб кўрилди. Лекин натижа йўқ. Тешик сувни ютишда давом этяпти.

УЛКАН АКУЛА

Акула энг йирик денгиз балиғи — унинг бўйи 10 метр, вазни 4 тоннага боради. Бундай улкан жонивор барча океанларда, кўпроқ ўрта ва юқори кенгликларда учрайди. Улкан акулани ёзда Атлантик океанининг Европа қирғоқларида кўриш мумкин.

Зангори акулага қараганда улкан акула мутлақо зарарсиз: у асосан планктон билан тирикчилик қилади. Улкан акуланинг воғга етгани ўзига овқат қидириб, бир соатда оғзи ва жабрасидан 150 тоннага яқин сувни ўтказади. Унинг жигари бир тонна. Жигар таркибида балиқ мойи жуда кўп бўлади. Гебрид ороллари, Ирландия ва Шотландияда бу мойдан жуда қадимдан чироқ мойи сифатида фойдаланиб келадилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ҲАМЗА номидаги академик драма театри коллективи улуғ пролетар ёзувчиси А. М. Горький туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олди. Улар юбилей муносабати билан адибнинг «Душманлар» пьесасини саҳналаштирдилар. Спектакль томошабинлар олқишига сазовор бўлаяпти. Суратда: спектаклдан бир кўриниш.

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ).

ФУТБОЛ

БИРИНЧИ ЎЙИН—ДАСТЛАБКИ ОЧКО

28 мартда Тошкентда мамлакатнинг 30-футбол чемпионати байроғи кўтарилди. «Пахтакор» стадиони узра қилпираган байроқни пахтакорчилар ва Москва торпедочиларининг капитанлари Штерн ва Шустиков кўтаришди.

Катта футбол премьераси ишқибозларни хурсанд этди. Гарчи тўп урилмаган бўлса ҳам томошабинлар қизиқарли ва кескин курашнинг гувоҳи бўлиб, стадиондан мамнун қайтишди.

«Пахтакор» қуйидаги составда майдонга тушди:— Любарцев, Доценко, Штерн, Шарипов, Иноятов, Юнусов, Солохо, Исоқов, Бектошев, Абдураимов, Иброҳимов.

Ўйин меҳмонларнинг ҳужуми билан бошланди. 9-минутда Любарцев дарвозани хавфдан сақлаб қолди. Стрельцов урган тўпни тўсиндан юқорига чиқариб юборди. Шу заҳотияна Воронининг зарбасини қайтаришга тўғри келди. Умуман, «Пахтакор» соқчиси учрашувни бехато ўтказди. Ўйин тугашига оз қолганда у вазиятни тўғри баҳолаб, тўпга вақтида чиқмаганда Стрельцов тўп уриши мумкин эди.

Танаффусдан сўнг майдон эгалари ҳужумни активлаштириб ташаббусни қўлга олдилар. Гоҳо-гоҳо ҳимоячи Штерн ва Солохолар ҳам рақиблар штраф майдони томон «рейд» қилабошладилар. Бир сафар Штерн урган тўпни Кавазашвили қайтарди, сўнгра Юнусовнинг яқин жойдан урган зарбасини ушлаб қолди. Кавазашвили эпчиллик ва маҳорат билан ўйнаб, жуда кўп олқишларга сазовор бўлди. Сўнгги минутда Абдураимовнинг 35 метрлардан урган қаттиқ зарбасини у жон-жаҳди билан қайтариб қолди.

«Пахтакор» сафида ўйнаган ёш ҳужумчи Тўлаган Исоқовнинг кўп тер тўкканлигини ҳам таъкидлаш керак. У рақиб ҳимоячилари сафини шиддат билан ёриб ўтар, қанотдан шерикларига тўпни аниқ ошириб берарди.

Ҳамшаҳарларимиз ўз устози Е. Елисеевнинг кўрсатмаларини кўнгилдагидек бажаришди. Чунончи, Шарипов моҳир техник Стрельцовга, Доценко эса тиниб-тинчимас Гершковичга ўйин бермай қўйдилар.

Халқаро категориядаги судья Тофиқ Баҳрамов учрашувни юксак савияда олиб борди.

С. МУСАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

(3-канал)

10.55 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 11.00 — Шанба, нонуштадан сўнг, 11.35 — Тайга сунунати (бадиий фильм).

13.00 дан—Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 17.00 — Телевизиниклар, 17.10 — Музикали минутлар (репортаж), 17.55 — Ўзбекистон халқ санъати (Хоразм қудолчилари), 18.20 — Ўзбекистон композиторлари яратган музика.

Ўзбек тилида: 19.15 — Телевизиниклар, 19.30 — Горький шундай бошлаган эди... (адабий театр). 21.00 дан—Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал)

15.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.00 — Қўшик қанотида (Ёшлик» студияси), 21.50 — Мафтунингман (бадиий фильм), 23.20 — Концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

(9-канал)

18.00 дан— Душанба кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 30/III да кундуз Спартан, кечқурун Тўй куни да, 31/III да кундуз Евгений Онегин, кечқурун Корсар.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/III да кундуз Қутлуғ қон, кечқурун Аяжонларим, 31/III да кундуз ва кечқурун Душманлар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/III да Қизбулоқ, 31/III да кундуз ва кечқурун Қизбулоқ.

КИНО

Қора автомобиль — «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (2-зала), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Татьяна куни — «ДРУЖБА» (1-зала), «ЎЗБЕКИСТОН 35 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Найрангбоз — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ҲАР КУНИ
Энг ёш ўргатувчи
БОРИС ДЕНИСОВнинг
ЎЗИ ЎРГАТГАН
ШЕРЛАР ГРУППАСИ
билан
ГАСТРОЛЛАРИ
Гиламда — РСФСР да хизмат кўрсатган артист Борис Вяткин.
Билетлар сотилмоқда.
Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади
Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
31 мартда
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
(3 кўринишли драма)
ДУШМАНЛАР
(М. Горький туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан)
Постановкачи —
Александр МУАТ
Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти Амин ТУРДИЕВ.
Рассом — Николай ЭПОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 05757. ИНДЕКС — 64697. № Б — 1831.